Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 28 октябрь, пайшанба № 200—201 (21.552). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Парижга жўнаб кетди.

Тайёрагоҳда Ислом Каримов республика журналистлари билан суҳбатлашди. Уларнинг саволларига жавоб берар экан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, демократия соҳасида жаҳонда пешқадамлик қилиб келаётган бу қадимий диёр халқи билан туркий аждодларимиз ўртасида азалдан мавжуд бўлган самимий муносабатлар хусусида сўзлади. Узоқ йиллар давомида юрагида халқимизга нисбатан теран эҳтиром сақлаб келаётган французлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш фарзу қарз эканини таъкидлади.

— Амалий ишларга келсак, — деди Ислом Каримов, — сафар давомида Франция раҳбари билан биргаликда дўстлик ва ҳамкорлик шартномасини имзолаймоқчимиз. Бундан ташқари, маданий, илмий, техник ҳамкорлик юзасидан, шунингдек, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Президентни Республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Ален Пелукс ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

КЕЧА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топган куннинг 50 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни институт директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов кириш сўзи билан очди. У мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида илм-фан салоҳиятига катта аҳамият берганлигини, Марказий Осиё давлатларнинг дунё илм фанини ривожлантиришдаги тарихий ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор О. Файзуллаев, ҳуқуқ фанлари доктори А. Х. Раҳмонқулов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси — 50 ёшда: фалсафа ва ҳуқуқ илмларининг кечаги куни, бугуни ҳамда истиқболлари ҳақида» маъруза қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице президенти И. Искандаров ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси У. Мингбоев йиғилганларни академиянинг катта тўйи билан қутладилар.

Шунингдек, йиғилишда республикада хизмат кўрсатган фан арбоби К. Комилов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Валиев, ҳуқуқ фанлари доктори, профессор М. Файзиев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор О. Умрзоқовлар ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилишда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари, пойтахтдаги бошқа олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашдилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, қадрдонларим!

Сизларнинг 470 минг тонналик сифатли пахта тайёрлаб Мустақил давлатимизнинг залворли хирмонига улкан ҳисса қўшганингиз ҳақидаги хушхабардан беҳад шодландим. Қашқадарё воҳасининг қўриқ еридан дуру жавоҳир ундираётган меҳнатсевар, сабр-матонатли фидокор — сиз, азиз қадрдонларимни бу қувонч билан чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Сиз етиштирган бу бебаҳо бойлиқ мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги мавқеини янада мустаҳкамлашга, дастурхонимизнинг файзли, баракали бўлишига, халқимиз турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади. Ишончим комилки, қашқадарёлик меҳнаткашлар ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида ҳам жонбозлик кўрсатиб, юксак довонларни эгаллайдилар, она юртимизнинг равнақи, гуллаб-яшнаши ва буюк давлатлар қаторидан ўрин олишида ўзларининг бор куч, билим, қобилият ва тажрибаларини ишга соладилар.

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, омонлик, оилавий бахт ва саодатли кунлар, илоҳим, ҳар доим насиб этсин. Хайрли ва эзгу ишларингизда яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.



МЎЛЖАЛ ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШАДИ

Темир ХИДИРОВ,
Қашқадарё вилоятн ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Қашқадарёнинг 470 минг тоннадан ортиқ улкан пахта хирмони яратилди. Бугунги кунни йил давомида зўр гайрат-шижоат билан меҳнат қилган пахтакорларимиз жуда интиқлик билан кутган эдилар.

Оддий деҳқон, пахтакор мамлакат раҳбарининг ғамхўрлигини ҳис этса, ундан баҳраманд бўлса, шунга яраша меҳнат қиларкан. Президентимиз Фармони туфайли режадан ташқари топширилган ҳосилнинг ҳаммаси ва режадаги пахтанинг 20 фоизини хўжалик тасарруфида қолдирилаётганлиги қишлоқ меҳнаткаши ҳаётида катта воқеа бўлди.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон қишлоқлари иқтисодий ислоҳот даврини бошдан кечирмоқда. Давлат хўжаликларини жамоа ширкат хўжаликларига айлантиришнинг катта афзаллиги бор. Йил бошида 128 давлат хўжалиги жамоат-ширкат хўжаликларига айлантирилди. Бунинг натижасида ер ўз эгасини топди, деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги, мустақиллиги ошди. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг мақбул йўли бўлган деҳқонни ўз меҳнатидан кўпроқ манфаатдор қиладиган бу ишни биз яна давом эттираверамиз.

Пахта етиштиришда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос шароити, муаммолари мавжуд. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз бир неча йиллардан буён гармселга чидамли, кам сув талаб қиладиган пахта навларини экишга алоҳида эътибор беряптилар. «Бухоро—6» «Юлдуз», «108—Ф» навлар бизнинг ер шароитимизга анча мос келаяпти.

Бундан ташқари, сувни тежаш мақсадида исроилликмутахассислар билан ҳамкорликда томчилатиб суғоришни тажриба қилиб кўраяпмиз. Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номли хўжаликда синаб кўрилган бу усул ҳар гектар пахта майдонига кетадиган сув ва меҳнат сарфини 3—4 бараварга қисқартирди. Натижада самарадорлик ортди. Бу усул пахтакорларимизга жуда маъқул келмоқда. Йиғим-теримда ҳокимликлар, партия ва касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқи ташкилотлари уюшқоқлик кўрсатдилар. Вазирлар Маҳкамаси томонидан терилган пахтага ҳақ тўлашнинг оширилганлиги терим суръатини кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Вилоят бўйича 250 мингдан ортиқ киши йиғим-теримда иштирок этди. Қишлоқда айрим теримчилар ярим миллион сўмгача даромад олишди. Бундан ташқари машиналар кучидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун ҳам пахта тайёрлаш режаси ўтган йилгидагидан 17 кун илгари адо этилди. Ҳосилнинг 80 фоизи биринчи навга топширилди.

Мавсум бошидан вилоят туманлари ўртасида карвонбошилик қилган Қамаши тумани меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик режасини мамлакатда иккинчи бўлиб бажаришиб, Президентимиз табригига сазовор бўлишди. Улардан сўнг Чироқчи, Муборак, Косон, Қарши, Баҳористон, Китоб, Касби туманлари маррага етиб келдилар. Шунингдек, хирмонга кунига 4—5 фоизгача пахта топширган Усмон Юсупов, Нишон, Ғузор ва бошқа туманлар пахтакорлари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Давлатга 60 минг тонна пахта топширган Касби тумани деҳқонлари умумий хирмонни 70 минг тоннага етказишни кўзлаб туришибди.

Қамаши туманидаги «Фарғона», «Наврўз», Чироқчи туманидаги Ҳамид Олимжон номли, «Бешчашма», Ғузор районидаги Улуғбек номли, Муборак туманидаги «Хитой». Аметхон Султон номли, Косон туманидаги Улуғбек номли, «Темирхўжа», Абдулла Набиев номли, Қарши туманидаги «Қовчин», Юсуф Хушвақтов номли хўжаликлар йиллик режаларини 115—120 фоиздан ошириб бажариб қўйдилар. Камаши туманидан Тилов Чалаев, Чироқчи туманидан Қаюм Аҳмедов, Муборак туманидан Абдужалил Турдиев, Косон туманидан Шамси Ботиров бошлиқ бригадалар пахтакорлари мавсумда энг юқори — ҳар гектар ердан 35—40 центнердан ошириб ҳосил олишди.

Бугун мавсумда 180—200 тонналик хирмон уйган Қодир Номозов, Ғайбулла Зоиров, Ғулом Назаров, Турсун Қурбонов, Эшмурод Хўжамов каби механик ҳайдовчиларимиз, 12—15 тоннадан пахта терган Раъно Раҳимова, Умида Барноева, Зулфия Турдиева, Ҳаловат Ҳамдамова каби чевар теримчиларимиз билан фахрланамиз. Долзарб дамларда пахтакорларимизга мадад берган шаҳарлик ҳашарчиларимиздан миннатдормиз.

Пахтачилик вилоятимиз халқ хўжалигида асосий тармоқ ҳисобланади. Шунинг билан бирга бошқа соҳалар бўйича ҳам Қашқадарё республикамизда салмоқли ўрин тутади. Республика ғалласининг учдан бир қисми, пилласининг 7 фоизи, газнинг 28, нефтнинг 83 фоизи, олтингугурт ва газ конденсатининг ҳаммаси вилоятимиз ҳиссасига тўғри келди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 26,1 фоизга ўсди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 16 фоизга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 15,8 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бўйича давлат буюртмалари асосан уддаланди.

Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йил мустақиллик байрами арафасида вилоятда 100 дан ортиқ мактаб, касалхона, боғча ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Пахтакорларимиз ялпи ҳосил миқдорини ярим миллион тоннадан оширишни кўзлаб менат қилаяптилар.

ПАРИЖ МЎЪТАБАР МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

Париж, 27 октябрь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Лев Левин хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси Давлат байроқлари билан безатилган Парижнинг «Орли» аэропортида Франция раҳбарлари Президент Ислом Каримовни кутиб олдилар. Мўътабар меҳмон шарафига давлат мадҳиялари янгради, қуролли кучларнинг уч тури вакиллари фахрий қоровул бўлиб турдилар. Самолёт пиллапояси олдида меҳмонни Франция Президенти Франсуа Миттеран қарши олди. Ўзбекистон Президентининг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига давлат ташрифи шу тариқа бошланди.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Каримов ва Миттеран аэропортда қисқача баёнот бердилар.

Ислом Каримов Францияга расмий ташрифнинг муҳимлиги тўғрисида гапириб, азалий демократик анъаналарга эга бўлган бу мамлакатнинг бутун дунёда обрўси баландлигини таъкидлади. Зеро, иккиёқлама ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш — ҳамкорликнинг мантиқий ва қонуний жараёнидир.

Франсуа Миттеран Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири бўлмиш мустақил Ўзбекистон демократик ўзгаришлар йўлига дадил ўтганини таъкидлади. Муҳим жўғрофий ва сиёсий ўрин тутган Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасидаги алоқани мустаҳкамловчи давлатга айланиши мумкин.

Франция сиёсатчилари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига катта эътибор бермоқда. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликда масофа ҳал қилувчи аҳамиятини йўқотган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги бевосита алоқалар яхши ривожланиши мумкин. Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир. Катта иқтисодий салоҳият ва табиий бойликларга эга бўлган республикада танг вазиятдан чиқиб олиш, ўз салоҳиятини мунтазам ошириб бориш учун барча имконият мавжуд. Лекин ҳамма муаммони ёлғиз ҳал қилиш қийин. Замонавий технология бўлмаса, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқлар ривожлантирилмаса, жаҳон бозорида муносиб ўрин ни эгаллаш қийин. Шу сабабли Францияннг тажрибаси, иқтисодиёт соҳасидаги самарали ҳамкорлик — мазкур стратегик масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шарҳчилар Франция пойтахтида имзоланиши лозим бўлган ҳужжатларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳужжатларнинг энг муҳимлари — янги Европа учун Париж Хартияси ва дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги, шартнома маданий, илмий, техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, сармоя сарфлашни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимлардир.

Ислом Каримовнинг ташрифи дастури жуда тиғиз. Биринчи куниёқ «Мариньи» саройидаги расмий боргоҳга жойлашгач, Президентимиз Франсуа Миттеран билан ёлғиз суҳбатлашади. Сўнгра Елисей саройида музокаралар бошланади. Ўзбекистон Президенти кейинги кунларда Франция Бош вазири Э. Баладюр, ташқи ишлар вазири А. Жюппе билан музокара олиб боради, ишбилармонлар миллий кенгаши раҳбарлари, етакчи банклар ҳамда савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашади.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, «Мираж 2000» қирувчи самолётлари ва «Фалькон» фуқаро самолётлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дассо» самолётсозлик компаниясини ҳам бориб кўради.

Бу воқеалар тафсилотини кейинги хабарларимизда ўқийсиз.

ИЛМ-ИСТИҚЛОЛ ХИЗМАТИДА

Ислом КАРИМОВ:

ИЛМ-ЗИЁ САЛОҲИЯТИ, БУ — ХАЛҚНИНГ, ВАТАННИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР. УНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ДАВЛАТ ИМКОНИ БЎЛГАН ҲАММА ИШНИ ҚИЛАДИ, ҲЕЧ НАРСАНИ АЯМАЙДИ.

26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда академия Президенти М. Салоҳиддинов юртбошимиз Ислом Каримовнинг Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида, вице-президент И. Искандаров «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида республика илм аҳли олдига қўйилган вазифалар ҳақида маъруза қилдилар.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида илм-фан бағоят муҳим ўрин тутади. Мажлисда республика олимлари Президентимиз олға сураётган ғоялар атрофида жипслашиб, куч-ғайрат ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда Ватанимиз равнақи йўлида масъулият билан меҳнат қилиши лозимлиги таъкидланди. Мунозарада сўзга чиққан олимлар бу борадаги ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

(ЎзА).

• АНДИЖОН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган фан куплари Андижон вилоятида ҳам қизғин нишонланди. Ушбу анжуманда қатнашиш учун Фанлар академиясининг кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов, Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий технологик комплексининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори профессор Соибжон Неъматов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Абдуғофур Мамадалимов вилоятимизга ташриф буюрдилар. Олимларимиз туман ва шаҳарларда пахтакорлар, ишчи-хизматчилар, ҳашарчи талабалар билан суҳбатлашди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш билан бир қаторда Фанлар академиясининг 50 йил мобайнида босиб ўтган йўли — эришилган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар.

Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар барчамизни Республикамиз равнақи йўлида янада унумлироқ меҳнат қилишга ундайди.

Шуҳрат МУСАЕВ,

• НАМАНГАН

Наманганга ташриф буюрган олимлар — Ўзбекистон —Америка дўстлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, полимерлар кимёси ва физикаси лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Мирҳожи Асқаров, Ўзбекистон ва Германия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаров Наманган Давлат университети илмий жамоаси билан учрашув ўтказдилар. Улар мустақил республикамизнинг фанини ривожлантириш, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Фанга бўлган эътиборни янада кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Берилган саволларга жавоб қайтаришди.

Олимлар Норин, Задарё туманларида бўлиб, пахта теримида фаол иштирок этаётган ҳашарчи талаба ёшлар билан мулоқотда бўлдилар.

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ,

• СИРДАРЁ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган куннинг икки йиллигига бағишланиб Сирдарё вилоятида қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда ана шу мақсадда вилоятга республикамизнинг бир гуруҳ фан намоёндалари ташриф буюрдилар. Улар орасида республика Олий таълим вазири Ж. Абдуллаев, академиклар М. Шарифхўжаев, Ш. Воҳидовлар бор.

Гулистонда ҳурматли меҳмонлар шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, халқ таълими ходимлари, ишчи ва ҳизматчилар, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувни вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Ризоқулов кириш сўзи билан очди. Сўнгра учрашувга тўпланганлар олимларимизнинг Ўзбекистонда Олий таълимни янада ривожлантириш, жумҳуриятимиз иқтисодий истиқболлари, қосмик фазони ўрганиш, халқ хўжалигини ривожлантиришда фан, техника ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳақида қизиқарли маърузаларни тингладилар.

Абдужалил УМАРОВ.

• САМАРҚАНД

Яҳё Ғуломов номли Самарқанд археология институтида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди.

Институт директори, тарих фанлари доктори Т. Ширинов археологик қазилмаларнинг аҳамияти, ёдгорликларни сақлаш борасидаги ишлар ва чет эл археологлари билан илмий алоқалар хусусида маъруза қилди. Нотиқ яқинда фарангистонлик мутахассислар Афросиёб ёдгорлигида яна бир муҳим дарвоза қазиб топганликларини таъкидлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раиси, Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Т. Ширинқулов эса қадимий шаҳарда бундан 600 йил илгарйёқ Амир Темур томонидан йирик академияга асос солингани ва у Мирзо Улуғбек томонидан ривожлантирилгани ҳақида гапирди.

Институт бўлим мудири, академия мухбир-аъзоси У. Исломов Ўзбекистон археология ҳаётидан қизиқарли лавҳалар сўзлаб берди. Шунингдек, Самарқанд дорилфунуни профессори М. Жўрақулов, тарих фанлари доктори, кимёвий таъмирлаш лабораторияси бошлиғи А. Абдураззоқовлар ҳам археологик қазилмалар, илмий тадқиқотлар ва умуман фаннинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига тўхталиб ўтдилар.

Фармон ТОШЕВ.

ОБУНА—94

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» 64583
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БАРЧА СОҲАДА ФАОЛ

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида ХДП ташкил топган сананинг икки йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги бошланғич ташкилотларнинг котиблари, уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов республика партия ташкилоти ҳамда унинг жанговар қисми бўлган вилоят партия ташкилотининг ана шу давр мобайнида босиб ўтган йўли ҳақида маъруза қилди.

— Ўтган икки йил мобайнида кўриқ воҳа партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, ғоявий чиниқди, сафлари кенгайди ва жипслашди. Ҳозир вилоятда 9 та туман ва 1 та шаҳар, 454 бошланғич ташкилот бўлиб, улар атрофига 11700 нафар ХДП аъзоси бирлашган. Ўтган икки йил мобайнида партия сафига 4 минг нафар янги аъзо қўшилдики, бу ҳам партия ташкилотларининг халқ орасида обрўйи ошиб, таъсир кучи кенгайиб бораётганидан далолатдир. Партия сафларига кўпроқ ёшлар ва зиёлилар келиб қўшилаётир. Бу эса партиянинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқариш, бунёдкорликнинг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар.

Мирзаободлик партия ва ва меҳнат фахрийси Ш. Олтмишев, янгиерлик уруш ва меҳнат фахрийси Ш. Олтикий, шоира Ҳ. Ортиқбоева, сирдарёлик партия ва меҳнат фахрийси М. Каримов, Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Эрбеков ва бошқа ўртоқлар тўпланганларни бу муҳим сана билан қизғин қутладилар ҳамда партия ташкилотларининг жанговарлигини, фаоллигини ошириш йўлида зафарлар тиладилар.

Бир гуруҳ партия ишининг жонкуярлари, фаолларга ҳамда фахрийларга вилоят партия кенгаши номидан табрик хатлари топширилди. Вилоят ҳамда туман бадиий ҳаваскорлик тантана иштирокчиларига концерт қўйиб бердилар.

Шу кунларда партия ташкилотининг икки йиллигига бағишланган учрашувлар, тантаналар вилоятнинг деярли барча шаҳар, туман ва хўжаликларида, меҳнат жамоаларида давом этмоқда. ХДП аъзолари ишлаб чиқаришдан, яратувчилик жабҳаларининг суронларидан ажралмаган ҳолда ўз ташкилотларининг икки йиллигини муносиб нишонлашга ҳаракат қилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНАНИНГ «СИНЧАЛАГИ»

Аёлларнинг ёшини сўраб бўлмайди. Чеҳраларига муҳрланган ҳаёт чизиқлари барибир бор гапни айтиб тураверади. Насиба опанинг ҳам сочига оқ оралабди. Саломатлигининг мазаси йўқ. Гапга солдим. Опа сўзлаяпти-ю, қандайдир ёруғлик қалбимни чулғайди. Касалини ҳам унутиб, гўё ўн саккиз ёшли серғайрат қизлардек тўлиб-тошиб сўзлаяпти. Қалбда шижоат, ғайрат сўнмаган.

Дарвоқе, ўн саккиз ёшда Насибахон область комсомол комитетининг «юраги» — ташкилий бўлимда йўриқчи эди. Йигирма бирида Фарғона тумани комсомол ташкилотининг биринчи котибаси. Ҳадсиз ҳудуд, тоғу тош, бир бирига узоқ бошланғич ташкилотларга транспортсиз қатнов... Унинг таржимаи ҳолини кўздан кечирсангиз икки сўзни кўп учратасиз: «Комсомол», «Маориф». Бутун умр шу икки соҳада ишлади.

Ўша куни у йиғлаб юборди. Қиргули халқ таълими бўлимида йўриқчи бўлиш билан бирга, партия ташкилоти котибаси ҳам эди. КПСС тарқаб. одамлар саросимага тушган, иккиланган пайт.

— Нима қиласан? — деб қолди халқ таълими бўлими мудираси Валентина Дмитриевна Боньдер.

— Партия сафида қоламан! — Насибахоннинг жавоби қатъий бўлди.

— Мен ҳам!

Партия аъзолари йиғилди. Янги партия — ХДПнинг Низомини муҳокама қилишди. Ўн киши ХДП сафига қабул қилишларини сўраб, ариза узатганида Насиба опанинг кўзларида ёш йилтиллади. Қисқа вақт — икки йил ичида Қиргули тумани 70-сайлов округи қошидаги ҳудудий партия ташкилотининг аъзолари сони беш баравар кўпайди. Унинг сафида тумандаги ўн битта ташкилот вакиллари бор. 24-мактаб директори Клавдия Николаевна Питерова, 12-мактабдан А. Мелибоев, туман халқ таълими бўлими йўриқчиси О. А. Тарасова, туман ҳокими В. Белоногов каби ХДП аъзолари дастлабки кунларданоқ Насиба опага қўшқанот бўлдилар.

— Раҳбарларга кўп нарса боғлиқ, — дейди Насиба Собирова. — Кўпчилик уларга қараб туради.

Яқинда партия ташкилоти ҳокимга топшириқ берди. В. Белоноговнинг ўзи барча ўринбосарлари билан келиб, ҳисобот берди. Гап маориф соҳасидаги қонуннинг бажарилиши юзасидан бўлди.

Ўйин. Буни нафақат болалар, катталар ҳам хуш кўраркан. Улардан бири «Агар мен Сергели тумани ҳокими бўлганимда» мавзуида ўтказилди. Тадбиркорлик ўйини шаклида уюштирилган бу тадбир аслида партия йиғилиши эди. Унда ХДП аъзолари туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб муаммоларга ечим изладилар. Ҳоким эса ҳар бир сўз мағзини чақиб ўтирди, ўзига хулосалар ясаб олди.

Яна бир ўйинни ҳокимнинг муовини Н. И. Кузнецова ўтказди. «Республика рўзнома ва ойномалари вакилларининг матбуот конференцияси» деб номланган тадбиркорлик ўйини Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомини ўрганишга бағишланди. Кўчма мажлислар ҳам ана шундай очиқ, дилдан, мулоқот шаклида қизиқарли ўтади. У қандай мажлис бўлмасин, албатта туманнинг турли даражадаги раҳбарлари иштирок этишади.

Ҳудудий партия ташкилотининг аксарият аъзолари ўқитувчилар бўлгани учун мактаблардаги тарбиявий ишлар бош вазифа қилиб қўйилган. Сиёсий вазиятнинг мураккаблиги сабабли ёшлар уни тўғри қабул қилишда қийналишларини назарда тутиб уларга кўмаклашиш зарур. Шуни ҳисобга олиб, партия ташкилоти байналмилал ва ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Деярли барча мактаблар миллий маданиятни, санъатни ўрганиш, тикувчи-тўқувчилик тўгараклари ишлаб турибди. «Ватан — жону таним», «Биз байналмилалчилармиз», «Мустақил Ўзбекистон» мавзуларида тадбирлар ўтказиш яхши самаралар бермоқда.

Мажлис ёки учрашув дейилса бас. Ҳеч муболағасиз, ҳамма аъзолар тўпланишади. Узрли сабабларга кўра келолмагани кейин кўнғироқ қилиб қизиқишади.

— Асосийси, расмийлик йўқ. Анча вақт бу ҳудудий партия ташкилоти йиғилишларида, тадбиркорлик ўйинларида қатнашиб юрдим. ХДП Низоми билан танишиб чиқдим. Қарасам кўнглимдаги ишлар. Бир йилча кузатганимдан сўнг аъзоликка ариза ёздим, — дейди Г. Г. Фугаревич.

Аъзолик бадаллари ҳақида бу ерда ортиқча гап бўлмайди. Бухгалтерия орқали тўғридан-тўғри ўтказилади. Фақат ҳокимликдагилар ўзлари келиб вақтида бадал тўлаб турадилар.

— Одам бир нарсага ишониши керак. Президентимиз раислик қилувчи партия аъзоси бўлиш биз учун шарафли. Асосий мақсадимиз тинчлик-тотувлик, фаровон турмуш, осойишталик бўлсин, — дейди ХДП аъзоси, ўн иккинчи мактаб ўқитувчиси Х. Қосимова. — Бўш қолдим дегунча Насиба опанинг олдига, партия ташкилотига оёғим тортиб кетаверади. У ерда жуда фойдали, қизиқарли фикр алмашувлар бўлади.

Ҳудудий партия ташкилоти ва унинг котибаси ҳақида турли одамлар билан гаплашяпман-у ҳаёлимга Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асаридаги Саида келаверади. Менга қолса Насиба опани Фарғонанинг «Синчалаги» деб атаган бўлардим.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Асака консерва заводи бошланғич партия ташкилотида ўн тўққиз нафар ХДП аъзоси ҳисобда туради. Ташкилотга томат тайёрлаш цехи бошлиғи Саминжон Ҳакимов бошчилик қилмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан корхонада партия аъзоларининг фаоллиги ошяпти.

Бошланғич партия ташкилотининг корхона маъмурияти билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги туфайли бу йил заводда олма қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳамда яшик тайёрлаш цехлари ишга туширилди. Натижада эллик етти ишчи янгидан ишга жойлаштирилди. Ўттиз икки хонадонли иккита уй ва болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилди.

ИБРАТ

Ана шундай ишларни амалга оширишда партия аъзоларидан цех бошлиғи Обиджон Охунжонов, Абдусамат Исақулов, Раҳимжон Қўлдошев, таъминотчи Зуҳриддин Акбаров, тайёрловчи Одилжон Жўрабоевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Завод меҳнат жамоаси бу йил уч миллион дона шартли банка консерва маҳсулоти ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Бу режани муваффақиятли бажариш учун бошланган катта ҳаракатда партия аъзолари фаоллик кўрсатиб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Маъмуржон ЖОНУЗОҚОВ.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси—муҳокамада

ИНОБАТГА ОЛИНСА...

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида сайловнинг демократик жиҳатлари: умумийлиги, тенглиги, яширин ва тўғридан-тўғри овоз берилиши ўз ифодасини топган.

Лойиҳанинг 6-моддаси биринчи бандида шундай дейилади: «Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайловлар куни ва овозларини санаш чоғида овоз бериш хоналарида депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашишга **мажбурдирлар»**, деб тўлдирилса, маъқул бўларди. Бу сайловларнинг ишончлилигини янада оширади.

Номзодларни кўрсатиш ҳақида жиддийроқ ва чуқурроқ ўйлаб кўриш мавриди келди, деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлисга номзодлар Сайлов участкаларига бюллетенларни беришда, овозлар тўпланган қутиларни очишда ҳамда овозларни санашда назоратни кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Биз шу модданинг биринчи бандини қуйидаги таҳрирда таклиф этамиз: «Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов куни ва овозларни санаш чоғида овоз бериш хоналарида депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашишга **мажбурдирлар»**, деб тўлдирилса, маъқул бўларди. Бу сайловларнинг ишончлилигини янада оширади.

Номзодларни кўрсатиш ҳақида жиддийроқ ва чуқурроқ ўйлаб кўриш мавриди келди, деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлисга номзодлар иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ соҳаларида яхши билим ва тажрибага эга бўлган фуқаролардан кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўз навбатида депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар лойиҳада қайд этилса, уларнинг масъулияти анча ошиши мумкин. Номзодни округ сайловчиларининг мутлақ кўпчилиги жуда яхши таниши алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳол номзоднинг ахлоқий поклигини, унинг иқтисодий ва сиёсий билимларни қанчалик даражада яхши ўзлаштирганини баҳолаш имконини беради. Агар номзод давлат тилини пухта эгаллаган бўлса, жаҳон тилларидан ҳам яхши хабардор бўлса, нур устига аъло нур бўлур эди!

З. МУҚИМОВ,
Ж. ИБОДУЛЛАЕВ.

ТАКЛИФЛАРИМИЗ

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, кўпчилик фикр-мулоҳазасининг ҳар томонлама ўрганилиши ушбу Қонуннинг пишиқ-пухта қабул қилинишига имкон беради.

Сирдарё вилояти партия ташкилотларида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда ва ўрганилмоқда. Меҳнат жамоаларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида меҳнаткашлар Қонун лойиҳасига ўзларининг ўзгартириш ва таклифларини киритмоқдалар. Муҳим фикр ва мулоҳазалар баён этмоқдалар. Лойиҳа юзасидан биз ҳам қуйидаги мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Қонун лойиҳасининг 22-модда бешинчи бандидан «судланган шахслар» сўзлари олиб ташланса. Чунки, бир вақтлар, «пахта иши» ёки шунга ўхшаш ноҳақданноҳақ қамалган ва жазони ўтаб бўлган шахсларни бу ҳуқуқдан маҳрум этиш инсонийлик принципларига тўғри келмайди.

Еттинчи бандда овоз бериш тартибини сайлов комиссияси ёки йиғилиши қатнашчилари белгилайди, деб ёзилса. дуруст бўларди. Чунки партия олий органи ва ҳокимият вакиллик органлари овоз беришдаги бир хил тартибни белгилашда ўзаро келишолмай қолиши мумкин.

22-модданинг иккинчи ва учинчи бандида кўрсатилишича депутатликка номзодларни сиёсий партияларнинг олий органлари кўрсатади, дейилган, аммо қуйи партия ташкилотларининг бундаги қатнашуви аниқ белгиланмаган. Халқ депутатлари вилоят кенгашларига эса бундай ҳуқуқ белгилаб қўйилган. Демак, вилоят партия кенгашларига ҳам шундай ҳуқуқ берилса бизнингча ўринли бўлур эди.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқини ҳокимликнинг вакиллик органларига берилиши хусусида чуқурроқ ўйлаб кўрилса.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларнинг вилоят ва олий органларига ҳам берилса тўғри бўларди.

С. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби.





Қашқадарёда биринчилардан бўлиб ғалаба рапортига имзо чеккан Қарши тумани пахтакорлари вилоят хирмонига 42 минг тонна пахта етказиб бердилар. Бунда тумандаги С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги заршуносларининг ҳам улуши катта бўлди. Хўжалик аҳли 1800 гектар майдонга чигит экиб, 4600 тонна ҳосил кўтардилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Вилоят ҳокими Темир Хидиров (чапдан иккинчи) Қарши тумани пахтакорлари ҳузурида. 2. Қамаши туманидаги Лафаз Муҳаммадиев номли жамоа хўжалиги илғор бригадири, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Раҳим Чориев. У бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектаридан режадаги 29 ўрнига 38 центнердан ҳосил кўтаришди.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МАРРА— 30 МИНГ ТОННА

Маълумки, туманимиз заршунослари вилоятда пешқадамлар қаторида ўтган йилгидан 15 кун илгари режани бажаргандик. Давлатга ҳозиргача 27170 тонна ўрнига 29 минг тонна пахта сотилди. Ялпи ҳосилнинг 21 минг тоннага яқини «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Машина терими бўйича эса туманимиз карвонбоши. Давлат қабул пунктларига топширилган ҳосилнинг 87 фоизи юқори навга қабул қилинди. Ҳозиргача мавжуд 13 минг 450 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 21 центнердан ошириб пахта йиғиб-териб олинди. Албатта, меҳнат зафарида «Хитой», «Қарлиқ», «Гулистон», Амирхон Султон номли, Амир Темур номли жамоа ширкат хўжаликларининг салмоқли улуши бор.

Айниқса, ХДП аъзолари раҳбарлик қилаётган жамоаларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўнгилдагидек. 10 та жамоа ширкат хўжалигига ХДП аъзолари раҳбарлик қилишмоқда. Ҳокимлик ва партия кенгаши йиғим-терим даврида меҳнат аҳли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдилар. Омма ўртасида Ўзбекистон Олий Кенгаши XIII сессияси материаллари, Халқ депутатлари Сирдарё вилояти сессиясида Республикамиз Президенти Ислом Каримов сўзлаган маърузаси кенг тушунтирилмоқда. Асосий эътибор юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашга, қишлоқда иқтисодий ислоҳотни кучайтиришга қаратилмоқда.

Бу йилги пахта мавсумининг аввалгилардиан фарқи томони шундаки, дала заҳматкашларига ҳақ тўлашда адолат тантана қилди. Биз ҳар бир механизаторнинг терган тонна пахтасига минг сўмдан, қўл теримчининг бир килограмм пахтасига 30 сўмдан ҳақ тўланишини таъминладик.

Далаларимизда ҳали пахта мўл. Бор ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиб, ялпи хирмон салмоғини 30 минг тоннадан оширамиз ва мамлакатимиз «оқ олтин» хирмонига баракали ҳисса қўшамиз.

Бобоқул НУРМАМАТОВ,
ХДП Муборак туман кенгашининг биринчи котиби.

КАМАРБАСТА

Қовчин қадимдан миришкор деҳқонлар қишлоғи. Шунинг учун ҳам қишлоқ номи билан юритилувчи жамоа ширкат хўжалиги Қарши туманида бу йил ҳам биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини ошириб уддалади. Хўжалик кенгаши раиси, туман партия кенгаши аъзоси Сероб Хўжақулов шунинг учун ҳам ташвишда.

— Бир мисқол ҳам ҳосил ерда қолмасин дейман, — гап бошлади у. — Вақт ўтаяпти. Кеч куз кирди. Ҳаво шир этса, тамом. Агар қанча кўп пахта териб олсак, шунчалик ҳалол даромадга эришамиз...

Ҳамма соҳада ҳам ҳисобкитоб билан иш юритиш муваффақият келтиради. Сероб Хўжақулов ҳам рақамларни чўтга ташлаб, иқтисодни ўйлаб иш тутишни ёқтиради. Шу асосда иш тутиб ҳар йили ҳам ютқазмаяпти.

Мана, бу йил ҳам давлатга ҳозиргача 5100 тонна ўрнига 5500 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта топширилди. Бу туман хўжаликлари ичида салмоқли рақам. Хўжаликда Қўзибой Жўраев, Аваз Туробов, Норпўлат Шоймардонов, Юсуф Қурбонов сингари тажрибали пахтакорлар бошлиқ донгдор бригадалар бор. Улар «Ф—108» ва «ЮЛДУЗ» нав пахта етиштириб, ҳар гектар майдондан 35—40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдилар. 2,5 минг тонна «оқ олтин» машиналар бункеридан тўкилди. Ғулом Дўстов, Акбар Қурбонов, Муродилла Назаров, Қурбонбой Қўзиев, Шароф Турсунов каби дала гвардиячилари 135—165 тоннагача пахта териб хирмонга барака киритишди.

Хўжалик кенгаши раиси муваффақиятлар ҳақида гап кетганда шундай деди:

— Ўтган йилдан сотилмай қолган 330 тонна пахтамиз бор, бу кам деганда 330 миллион сўм! Бу йилги режадан зиёд пахтамизнинг пулини хомчўт қилсак, 1 миллиардга яқинлашади. Пахтадан келадиган даромадни қаерга сарфлашни ҳам ўйлаб қўйганмиз. Бир тонна металл қувурни миллион сўмга баҳолашяпти. Тўрақул, Ширкент қишлоқларини газлаштирмоқчимиз. Шу пулга қувур сотиб оламиз. Пахта тозалаш заводимиздан қандай бўлмасин келгуси йили фойдаланишимиз керак. Бунга ҳам маблағ зарур. Ўзимизнинг корхона йилига 15 минг тонна пахтани қайта ишлайди. Тўғри, бизда унча кўп пахта йўқ. Қўшниларимизга кўмаклашиб, «тегирмон» ҳақи оламиз. Энг муҳими қишлоқдан 200 нафар киши ишли бўлади.

Гурунга партия ташкилотининг котиби Тўйчи Ражабов аралашди.

— Газета, журналлар обунаси дегандек...

— Тортинмай гапираверинг, Тўйчивой! Мен масалан, ҳаётимизни газета, журналларсиз тасаввур қилолмайман. Илғорларни мукофот тарзида, фахрийларни эса моддий қўллаб «Ўзбекистон овози» ва бошқа газеталарга хўжалик ҳисобидан обуна қиламиз.

Партия ташкилоти котиби анча енгил тортди. Гапнинг рости, хўжалик раҳбарияти ва партия ташкилоти фаоллари ҳамиша аҳиллликда, бир-бирларига камарбаста бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Пахта каби пилла, дон, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги қатор муваффақиятлар ҳам шундан.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЎРТКЎЛ МАРРАГА ЕТДИ

Тўрткўл тумани пахтакорлари йиллик режани бажардилар. Қабул пунктларига 41,5 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Меҳнат муваффақиятига «Галаба», «Наврўз» «Мискин», «Намуна», «Шўрахон», А. Адакаев номли, Қ. Нуримбетов номли хўжаликларнинг мириштқорлари баракали ҳисса қўшдилар.

Бу хўжаликларда ҳар гектар ердан териб олинган ҳосил 25-29 центнерни ташкил этади. Ш. Қўлдошев, Р. Абдалов, М. Жанабоев, Қ. Аҳмедов, Ю. Режибоев, Қ. Тойлоқов, Ж. Хўжанов, Қ. Хўжаниёзов, Қ. Сериқбоевлар бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 30-35 центнерга етди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1993 йил 27 октябрга қадар бўлган
МАЪЛУМОТ
(Режадагига нисбатан фонз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами		Шу жумладан машинада терилгани	
	Бир кунда	Мавсум бошидан	Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	**1,01**	**110,56**	**0,83**	**25,67**
Бухоро	**1,50**	**107,99**	**0,41**	**26,72**
Қашқадарё	2,01	101,07	1,67	88,37
Навоий	2,14	91,89	1,64	53,39
Сурхондарё	1,22	90,95	0,40	49,79
Қорақалпоғистон				
Республикаси	1,32	89,33	0,78	60,77
Андижон	1,78	78,23	0,95	28,44
Фарғона	1,37	71,37	0,30	14,59
Тошкент	2,06	68,21	1,87	53,12
Самарқанд	2,00	64,95	1,36	33,32
Наманган	1,80	64,61	0,81	22,26
Жиззах	2,35	64,57	2,32	62,77
Сирдарё	2,26	48,32	2,23	38,45
Республика бўйича:	**1,73**	**81,20**	**1,31**	**46,36**
Шу жумладан нинчка толали пахта				
Сурхондарё	1,32	81,69	0,00	0,00
Қашқадарё	1,98	70,89	0,00	0,00
Наманган	0,73	14,16	0,00	0,00
Республика бўйича:	**1,47**	**78,54**	**0,00**	**0,00**

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

• *Партия аъзолари ҳақида ҳикоялар*

ТОБЛАНИШ



Қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳоли қисқагина: Мансур Қўшбоев 1953 йилда деҳқон оиласида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят, Пайариқ туманидаги «Халқобод» (собиқ Киров номли) давлат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. Бир неча йил бош ҳисобчи вазифасида ишлагач, Самарқанд вилоят қоракўлчилик совхозлар трестида режа-молия бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. 1985 йилнинг май ойидан буён М. Қўшбоев «Халқобод» давлат хўжалиги раҳбари.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашн аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Самарқанд вилоят кенгаши ноибидир.

I.

Лочиннинг бахти ҳам, омади ҳам шундаки, у рўйи-заминни юксак-юксаклардан туриб кузатади. Тангри шунга яраша кўз ато этган; заминдаги жамики нарсаларни аниқ-тиниқ кўра олади. Нурота тизма тоғлари ёнбағрида ястаниб ётган қиру адирлар, яйловлар, қишлоғу гўшалар устидан учқур лочинлар неча бор парвоз қилишган бўлса, шак-шубҳасиз, бул заминдаги ҳамма нарсадан воқиф бўлишган...

Хўжаликнинг роппа-роса 40 минг гектар ери бор. Самарқанд вилоятида энг йирик хўжаликлардан бири. Унда 20 та қишлоқ, жами 1200 та хонадон мавжуд. Хўжалик меҳнаткашлари асосан лалмикор ерда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Ун олтита далачилик бригадаси ғалла, узум, мева, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан машғул. Сутчилик фермасида эса 300 бош соғин сигир, 17 мингдан зиёдроқ қўй-қўзи тобора кўпаймоқда.

Бепоён даласини қаричмақарич кузатган. Лочин олис самодан томоша қилса, лочинсифат йигит Мансур Қўшбоев гоҳ ерга, гоҳо от устида қадам-бақадам бориб кўрган.

II.

Ҳақ-ноҳақдан ғолиб келган, рост-ёлғондан устун бўлган ажойиб замонда яшаяпмиз. Демоқчимизки, ёмонни яшириб, яхшини ошириб ёзишимизга ҳожат йўқ. Гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, бу хўжалик бир пайтлари меҳнати, ижобий ютуқлари билан эмас, билъакс, ариза забозлиги билан машҳурроқ эди. Хўжалик бўлса, ҳар йили қолоқ, «зарар келтирадиган»лар рўйхатида турарди....

Совхоз узоқ йиллар бундай аҳволга тушиб қолишининг сабабларини таҳлил этиб ўтиришимизга ҳожат йўқ. Муҳими, сўнгги саккиз-тўққиз йилдан бери бу ерда туб ўзгаришлар юз бераётганига биринчи галда халқободликларнинг ўзлари шоҳид.

Факт ва рақамларга мурожаат қилишдан бурун бу ерда шунчалик туб ўзгаришлар қилишда бош-қош бўлган хўжалик раҳбарига сўз беришни лозим топдик. Қоматдор жуссаси меҳнатдан чиниққан, зуваласи пишиқ, чеҳрасидан ишчан ва тадбиркорлиги шундоқ сезилиб турган директор Мансур Қўшбоев қимтинибгина сўзлашга тушди.

III.

— Очиғи, мен данғалликни ёқтираман. Ўйлаган режам тўғри ва келажакда натижаси ёмон бўлмаслигига ишонч ҳосил қилсам, бас, ишни шартта бошлайвераман. 1985 йилнинг май ойида хўжаликка директор бўлиб келган пайтимда иш мутлақо бошқача тартибда эди. Хўжалик маъмуриятининг ўзида кам эмас — 260 киши «фаолият кўрсатаётган» эди. Яъни, шунча ходим ишлаб чиқаришдан, моддий неъмат яратишдан йироқ бўлиб, хазинадан яхшигина ҳақ олишаверарди. Буни қарангки ўша 260 ходим бажарадиган юмушларни 70 киши бемалол уддаласа бўларкан. Иннайкейин, кадрларнинг барчасини янги талаблар асосида танладик. Деярли барча ходим ўртача 30 ёшлар атрофидаги навқирон йигит-қизлардан иборат эди.

Ўшанда аллакимлар: «совхознинг куни чурвақаларга қопти-да...» дея маломат қилишди. Ҳатто, ёзишни ўзига касб қилиб олган баъзи кимсалар устимиздан бўхтон хатларини уюштиришгача боришди.

Жуда кўп хайрли ишлар амалга оширила бошлангани, меҳнатнинг янги ва илғор усуллари кенг жорий қилинаётгани, аҳоли турмушида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани бир сўз билан айтганда, жамоамиз оёққа тураётгани яққол кўринаётгани ҳалиги номақбул гапларга чек қўйган эди...

Аввало, одамларда умид ва ишонч уйғота билиш керак. Биз ташкил эта бошлаган меҳнатининг янги шакли тез орада ўз самарасини кўрсата бошлагани деярли барчани ҳайратга солган эди, десак муболаға бўлмайди. Хўш, қанақа ислоҳот дерсиз?

Аввало, давлат хўжалиги таркибида «мини-колхоз»лар тузадик. Яъни, мавжуд ерларимизнинг барчасини бригадаларга бўлиб бердик. Деярли ҳар бир қишлоқ ўз ерига, шунга яраша бригадасига эга бўлди. Жами 16 та «жамоа хўжалиги» — бригадалар пайдо бўлди. Улар хўжалик ҳисобида иш юритиш ҳуқуқига эга эдилар. Қанча майдонга нималар экиш, режа, шартномаларни қай йўсинда бажариш ва ҳоказоларни бригадаларнинг ўзлари ҳал этишарди. Илгаригидек, «наряд» орқали маош берилишига чек қўйилди. Ишчилар энди фақат меҳнатларига яраша ҳақ олишлари мумкин эди. Яъниким, ҳар бир бригада етиштирилган маҳсулотнинг шартномадагидан ортиқчасининг 25 фоизини ўзлари тасарруф этишга ҳақли эдилар. Ахир, маҳсулотнинг шунча қисми беминнатгина ёнга қолиши одамлар учун жуда катта гап эди-да! Ҳозирга қадар худди шу усул қўлланилмоқда. Гапнинг рости, хонадонларга қут-барака берди, шунга яраша умумий хўжалигимиз равнақ топаверди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ҳам худди шундай меҳнат усулини талаб этади, албатта... Эндиликда хўжалигимизда ташаббускор, ишбилармонлар ҳам кўпайиб кетди...

IV.

Гап — исботи билан, деганларидек, амал қилиб, «Халқобод» давлат хўжалигининг сўнгги йилларда эришган ютуқларига бир назар ташладик. Хўжалик биринчи марта 1986 йили жамики қарзларидан қутилиб, боз устига 110 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Навбатдаги йилда ҳам жамики харажатлар чиқими даромад эвазига қопланиб, тағин 500 минг сўм фойда кўрилган. Бу рақамлар йил сайин кўпайиб, ниҳоят, ўтган йили 8 миллион сўм хўжаликнинг хазинасига қўшилган.

Лалмикор ерда деҳқончилик билан шуғулланиш қанчалик машаққатли бўлмасин, аҳдига вафодор деҳқонлар йиллик режаларини ортиғи билан адо этишаётир. Хўжаликда 9 минг гектар майдонга «Сурхак» навли буғдой ҳамда унумли арпа экилади. Ҳосилдор ерларнинг асосий қисми ижарага берилган. Ижарачи деҳқонлар эса техника, уруғлиқ, ўғит ва ҳоказолар билан таъминланмоқда. Хуллас, ёмғир сувлари билангина «суғориладиган» майдонларда ғалладан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Ҳамдам Сайдуллаев, Исобек Ғозибеков, Тиркаш Очилов, Саидқул Собиров, Бектемир Тўлаганов, Қирон Холмуродовлар етакчилик қилишаётган бригадаларда айниқса қувончли ютуқларга эришилаётир.

40 гектар майдонга ғалла, 5 гектар ерга қовун-тарвуз экқан Қодир Жабборов, 30 гектарга ғалла ҳамда 6 гектар ерга қовун-тарвуз экқан Қаноат Қаршибоев сингари илғор деҳқон хўжалиги фермерлари янада юксакроқ марраларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда.

Дарвоқе, «Халқобод»да ишбилармонларга, фермерларга кенг йўл очилмоқда. Ҳозирда у ерда ўттиздан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд. Улаш Муҳаммадиев, Эшқул Худойбердиев, Шароф Қўшбоев, Такабой Шоназаров сингари фермерларнинг ҳар бири қарамоғида 300-400 бошдан қўй, кўплаб миқдорда қорамол, товуқ ва ҳоказолар борлиги кимни қувонтирмайди, дейсиз.

Давлат хўжалиги сут-товар фермасидан ташқари шахсий фермер хўжаликлари ҳам мунтазам равишда озуқа билан таъминланмоқда. 1986 йилда 1000 гектар майдонга беда экилган эди. Ҳар йили алмашлаб экишга жиддий эътибор берилди. Айни вақтда хўжаликда 2000 гектар беда бор.

Сигирнинг сути тилида, деганларидек, шунга яраша чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 2 минг 200 литрдан серқаймоқ сут соғиб олишга эришилди. Дашт-лик жойлар шароитида бу анчайин юқори кўрсаткичдир. Бу йил тўққиз ойлик режа ҳам 120 фоизга уддаланганини фахр билан тилга олса арзийди. Шунингдек, чорвадорлар давлатга гўшт, жун, қоракўл тери топшириш ҳам қувончли натижаларга эришмоқда. Зайдин Ҳимматов, Неъмат Довулов, Тоштемир Ирисбоев каби илғор чўпонлар, Жўлибой Иброҳимов, Келдиёр Қўшбоев, Келдибой Ўролов, Лафас Боликулов сингари моҳир механизаторлар хўжаликда чорвачиликни равнақ топтиришга ўз улушларини қўшаётирлар.

V.

Президентимиз Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Қишлоқ — миллий даромаднинг энг муҳим манбаи. Аммо, энг муҳими, қишлоқ иқтисодий ва ижтимоий турмушдаги, натижада, сиёсатда ҳам шундай бўғинки, у орқали бутун республика фаровонлик ва тўкинликка эришади...». Буни тўғри англаган «Халқобод» давлат хўжалиги раҳбарлари ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини ижобий ҳал этмоқда.

Хўжаликдаги Туркмановул қишлоғига табиий газ келтириш учун 30 километр узунликда қувур ётқизиш талаб этилади. Бу хайрли ишга ҳам енг шимариб киришган вилоят газчилари шу кунга қадар 5 километрга қувур ётқизишга муваффақ бўлдилар. Ҳademай бу адирлар бағридаги қишлоқ хонадонларида ҳам «зангори олов» гуриллай бошлайди. Шунақа. Замона зайли билан бул замин одамларининг елкаларига ҳам чинакам офтоб тегаётгани баайни ҳақиқатдир.

VI.

Мовий осмонда гоҳо бир улкан қуш пайдо бўлади. Бу само султони бўлмиш Лочиндир. У ўзининг ўткир нигоҳи ила Нурота тизма тоғлари этагидаги бепоён ерларда юз бераётган улкан ўзгаришлардан ҳайратга тушса не ажаб. Қуш улкан қанотлари-ла чарх уриб парвоз қилади-да, кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлади. Шунда бирдан рўйи заминда лочинсифат инсон пайдо бўлади. У кўкдаги қушларга парво қилмайди. Залворли қадамлари ила шахдам дала кезади. Ер билан, эл билан тиллашади. Хўжаликда амалга оширилаётган хайрли ишларга бош-қош бўлишда давом этади. Ҳаёлида, нигоҳида фақат эртанги кун умиди бўлади.

У ўша — биз билган Мансур Қўшбоевдир.

Тўлқин ЭШБЕК,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

КОМБИНАТ ИШГА ТУШДИ

● Зафаробод тумани марказида ёғ ишлаб чиқарадиган комбинат ишга тушди. Унга «Мустақиллик» деб ном берилди.

Ҳозирча комбинат кунига 500 килограмм ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга. У ерга чигитни тозалайдиган механизм иккита ёғ ишлаб чиқариш дастгоҳи ва ёғни тиндирадиган қурилмалар ўрнатилган. Келтирилаётган маҳсулотлардан ортиқча чиқинди чиқмайди. Чунончи дастгоҳларнинг бир томонидан ёғ, иккинчи томонидан чорва моллари учун тайёр кунжара олинмоқда. Келажакда бу ерда совун ишлаб чиқариш цехи қуриш, шунингдек, зиғир, кунжут ва пистадан ҳам ёғ олишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Б. РИЗАЕВ.
Жиззах вилояти.

МУВАФФАҚИЯТ ЧЕГАРА БИЛМАС

● Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилишининг энг устивор йўналишларидан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш талаб қилинади.

Буни яхши англаган Асака туманидаги бўрдоқичилик пункти меҳнат жамоаси қорамолларни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиб, мўл ва арзон гўшт маҳсулоти етиштиришга эришмоқдалар. Йилига ўрта ҳисобда минг бошдан қорамол боқилиб, семириш даражасини белгиланган маъёрга етказиш режалаштирилган. Шунда ҳар йили 400 тоннадан сўқим гўшти топширилади.

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик даврида бу чегара эмас, албатта. Жамоа паррандачиликка ҳам эътиборни кучайриб, йилига 30 тонна қўшимча гўшт етиштириш учун курашмоқда.

М. ЖОНУЗОҚОВ,
Андижон вилояти.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ҚОЗОҒИСТОН ФЛОТИ

АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси ўз ҳаётида биринчи марта юк ташийдиган денгиз кемасини сотиб олди.

Бу кемага «Нурсултон» номи берилди ва Буюк Британиянинг Мэн оролида рўйхатдан ўтказилди. Қозоғистон денгиз флоти қўмитаси сотиб олаётган бошқа кемалар ҳам ана шу оролда лангарланади.

УМУМЖАҲОН БАНКИ ЁРДАМИ

● ДУШАНБЕ. Умумжаҳон қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг бир гуруҳ ходимлари Тожикистон Республикасига келди.

Улар жумҳуриятда юз берган қуролли тўқнашувлар оқибатини тугатиш бўйича махсус дастур тузишади. Банк ҳозирнинг ўзидаёқ Тожикистонга 20 миллион доллар беришга қарор қилган. Дастур ишлаб чиқилгач, бу маблағ яна бир неча миллион долларга кўпаяди.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИГА АЪЗО БЎЛИШДИ

БИШКЕК. Чуй қурилиш бошқармасининг барча жамоаси «Қирғизистон — Россия» дўстлик жамиятига якдиллик билан аъзо бўлди.

Бундан бир неча йил муқаддам Россия билан дўстлик алоқаларини ҳар қандай жамиятларсиз олиб бориш мумкин эди. Собиқ салтанатнинг емирилиши натижасида барча иқтисодий, сиёсий ва ҳатто қариндош-уруғчилик алоқалари ҳам узилиб қолган эди. Бишкекдаги Россия элчихонаси олдида у ёққа жўнаб кетиш мақсадида навбат кутиб турган кишиларни кўриш мумкин. Лекин улардан кўпчилигининг Қирғизистондаги турмуш кечириши ёмон эмас. Статистика маълумотларига қараганда шу йилнинг биринчи ярим йиллигида республикадан 57 минг киши кўчиб кетган. Уларнинг кўпчилиги русийзабон кишилардир. Бундай ҳолат соғлом фикр юритувчи қирғизистонликларни, ҳатто туб миллий демократларни безовта қилмасдан қўймайди.

ҒИШТ ВА ЧИННИ ЗАВОДИ

АШГАБАТ. Туркиянинг «Клинсо трейдинг интернейшнл ЛТД» фирмаси Туркманистоннинг «Балканнефть» фирмаси билан имзоланган шартномага кўра бу мамлакатда икки завод қурилиши ишларига киришмоқда.

Янги корхоналар ғишт ва чинни буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Уларнинг бунёд этилиши учун 8 миллион доллар маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. «Балканнефть» фирмаси янги корхоналарнинг маҳсулотларини биргина ички бозорда эмас, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда ҳам сотиш ниятида. Чинни буюмлар айниқса Эрон ва Афғонистонда харидорларни топади, деб фикр юритилмоқда.

ЯДРО ҚУРОЛЛАРИНИ ТУГАТИШ ШАРТНОМАСИ

АЛМАТИ. Америка Қўшма Штатларининг Давлат котиби Уоррен Кристофер Қозоғистон Республикасига икки кунлик расмий сафар қилди.

Америка давлатининг мартабали раҳбари Венгрия, Россияда қилган сафари давомида бу ерга келган эди. У Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди. Олиб борилган музокаралар чоғида АҚШ ва Қозоғистон давлатлари ўртасида ядро қуролларини тугатиш ва давлатлар ўртасида солиқ солишни тартибга келтириш юзасидан шартнома имзоланди.

АҚШ Давлат котиби Киев, Минск ва Рига шаҳарларига ҳам боради.

ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ

● ДУШАНБЕ. Фуқаролар урушн туфайли Тожикистон республикаси халқ хўжалиги катта зарар кўрди.

Айниқса, Хатлон вилоятида кўп вайронгарчиликлар содир бўлди. Шунинг учун ҳам республикада Хатлон вилоятига ёрдам кўрсатиш ҳаракати оммавий тус олган. Ҳар бир корхона, хўжалик, ташкилот, вазирлик ўз ҳисобидан 3-4 тадан уй қуриб беришга аҳд қилган. Аслида бундай инсонпарварлик ҳаракатини биринчи бўлиб ўзбекистонликлар бошлаб берган эдилар. Ленинобод вилоятидан Хатлон вилоятига 130 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари юкланган эшелон келди. Бу шимолий Тожикистоннинг ўн уч туманидан юборилган инсонпарварлик ёрдамидир. Шунингдек, юз нафардан зиёд ленинободлик қурувчи бошпанасиз қолган кишилар учун вилоятда уй-жой бинолари бунёд этяпти.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ПОДМОСКВА КУНЛАРИ

БИШКЕК. Бу ерда ўтказилаётган Подмосква маданияти кунлари ўз аҳамияти билан Қирғизистон ва Россия халқларининг дўстлик байрамига айланди.

Бишкек шаҳридаги Қирғизистон Давлат опера ва балет театрида тантанали очилган бу тадбирда икки халқнинг маданият ва санъат намояндалари сўзга чиқдилар, истеъдод эгалари ижросида концерт берилди. Маданият кунларининг дастури ранг-баранг тузилган. Россия Республикасининг Қирғизистондаги элчиси Михаил Романов шу муносабат билан мухбирларга айтган суҳбатида бу тадбир қирғиз элида яшовчи руслар учун маънавий далда бўлиб хизмат этажагини билдирди.

ЁЗУВЧИ ЮБИЛЕЙИ

● ДУШАНБЕ. Тожикистон Халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий номи нафақат Тожикистон, балки Ўзбекистон китобхонларига ҳам яхши таниш.

Асли Самарқанд шаҳридан бўлган марҳум ёзувчининг туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши махсус қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ ёзувчининг юбилейи келгуси йилнинг апрель ойида нишонланади. Ёзувчи дафн этилган жойда унинг хотира бюсти ва ўзи истиқомат қилган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• *Ислоҳот одимлари*

ОРЗУЛАРИ ДУНЁЧА...

Фарғона деганда, албатта кўз ўнгимизда сўлим боғлар, пурвиқор қирадирлар, кенг сойликлар гавдаланади. Шу вилоятга қарашли Бағдод туманини айтмайсизми!.. Табиати гўзал, элининг меҳнати бундан-да гўзал.

Ўтган йили туман миқёсида 14 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шундан 958 миллион 200 минг сўм даромад олиниб, 210 миллион сўм соф фойда кўрилди. Бундай ютуқларнинг бош омили каттаю-кичикнинг бир-бирига ҳурмати, иноқлиги, дейишди туман кексалари.

Кундан-кунга саноат корхоналари сони ҳам ортаяпти. Айни пайтда ун заводи, пойабзал фабрикаси, мебел ишлаб чиқариш корхоналари юксак унум билан фаолият кўрсатяпти. Яқинда уларнинг сафига яна бир корхона — пахта тозалаш заводи ишга тушди. Корхоналарнинг кучи билан 9 минг дона ёзув столи, 1 минг 840 та хонтахта, 155 минг сўмлик тикилган тайёр маҳсулотлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 100 миллион сўмдан зиёд фойданинг эгаси бўлишди. Режадан ортиқча 95 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мустақиллик шарофати сабаб қурилишга эътибор кучайди: тиш даволаш поликлиникаси, 628 квадрат метрли турар жой бинолари, «Наврўз» чойхонаси, «Теракзор» ошхоналари қад кўтарди.

Туманга тоза ичимлик суви, «зангори олов» кириб кела бошлади. Ўтган йил ичида 517 хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Бу йил эса 239 хонадон табиий газдан фойдалана бошлади, 355 километр жойга артезан қувурлари ётқизилиб, аҳолининг саксон фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланаяпти.

— Аслида қилган ишларимиздан кўра режалаштирган ишларимиз кўпроқ, — дейди туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусамадов. — Туманимиз худо берган ерга жойлашган. Бир томонимиз бепоён даштга туташ. Ўзлаштирамиз десак ер тайёр. Иккинчидан, темир йўл хизматимизда. Учинчидан, Катта Фарғона канали, Сўх сойи обиҳаёт етказиб туради. Булардан унумли фойдаланиб, даштда катта бир қўрғон қурмоқчимиз. Унга туман марказини катта йўл билан боғлаймиз. Республикада ягона пахта заводини ишга туширдик. Уни кенгайтириб Англиянинг Ливерпуль шаҳридаги «Ханне» фирмаси билан ҳамкорликда 250 бошланғич ўринга эга бўлган фабрика қуришни режалаштириб олдик.

Хуллас, элнинг мақсади мавжуд саноат корхоналарини кенгайтириб, янгиларини қуриб, Бағдодни саноат шаҳрига айлантириш.

Шароф СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бундан икки йил муқаддам Жондор туманида ҳиссадорлик асосида сутни қайта ишлаш заводини қуриш масаласи қўйилганида Тошқул Ҳотамов номли жамоа хўжалиги биринчи бўлиб бу хайрли ишга қўшилган эди.


Ушанда Жанубий монтаж қурилиш трести мутахассислари жамоа хўжалигига энг замонавий сут заводини қуриб бериш тўғрисида берган ваъдалари устидан чиқишди. Ускуналар Нижний Новгород, Ижевск, Ярославль сингари Россия шаҳарлари машинасозлик заводларидан олинди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЕЗЛАШМОҚДА

Қисқа муддат ичида хўжаликнинг Жондор қўрғони билан туташган чегарасида йиғма конструкциялардан иборат корхона қад кўтарди. Уни бунёд этиш учун 14 миллион сўм маблағ сарфланди. Ваҳолонки, ҳозирги нархларга қиёслаганда корхонанинг баҳоси ўн чандон ошган бўлар эди.

Сарф этилган маблағнинг атиги 300 минг сўми ҳиссадорлик асосида тўпланди. Қолган бутун маблағ жамоа хўжалигининг даромадлари ҳисобига қопланади.

Айни пайтда корхона бир кунда туман хўжаликларидан 20 тонна сутни қабул қилиб, унинг ярмини қайта ишлаяпти. Бу ерда сариёғ, қаймоқ, творог, қатиқ, бринза сингари ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Келгусида пишлоқ, консерваланган сут, музқаймоқ ишлаб чиқариш учун тегишли ускуналар сотиб олиш тадбирлари кўрилмоқда.



Сут заводи жамоа хўжалигидаги ягона корхона эмас. Бу ерда Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг йирик филиали ҳам бунёд этиляпти. Мазкур фабрика пластмассадан техник мосламалар ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади.

Хўжалик билан бирлашма ўртасида тузилган шартномага асосан корхонага ишчилар жамоа йўлланмаси билан ишга қабул қилинади. Корхонада эса келгусида 450 киши меҳнат қилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозир фабрикада техника ускуналарини созлаш ишлари давом этмоқда. Синов тарзида маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

Яқинда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов барча вилоятларнинг ҳокимлари ҳамроҳлигида Жондор туманида бўлганида бундай корхоналарни ҳамма жойда кўпайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Бизнинг ҳам мақсадимиз шу, — дейди Жондор туманининг ҳокими Х. Т. Раҳмонов. — Хўжаликларда консерва, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тикувчилик корхоналари, мева қуритиш цехлари тобора кўпайиб бормоқда. Кейинги даврда зарар билан ишлайдиган 3 та давлат хўжалигини ширкатга айлантирдик. 7 та чорвачилик фермаси хусусий мулкка айлантирилди. 135 та асосий ишлаб чиқариш воситаси тадбиркорларга сотилди. Бу жараён тобора жадаллашмоқда.

Дарҳақиқат, туманда иқтисодий ислоҳотнинг ижобий натижалари намоён бўлмоқда. Жумладан, «Авангард» давлат хўжалиги ширкатга айлантирилгандан кейин бошқарув ходимларидан 25 киши қисқартирилди. Бир йилда 100 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари иқтисод қилинди. «Бухоро» жамоа хўжалигидаги сутчилик фермаси хусусийлаштирилганидан сўнг ҳар бир литр сут ишлаб чиқаришга озуқа сарфи 20 фоизга камайди, чорвадорларнинг маоши эса беш баравар кўпайди.

Ҳа, қаерда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилса, у ерда муваффақият таъмин этилиши шубҳасиз.

Нусратилло НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: корхона директори Рустам Турсунов мутахассислар билан биргаликда маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

• *Президент Фармони — юрт дармони*

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан қишлоқларга табиий газ, ичимлик суви қувурлари тортилиб, кишларнинг оғири енгил бўлди. Дориломон кунларни қарангки, қувурлар энди Газлидан Сибирга эмас, аксинча, Қизилқум чўлларига — қўйчивон хонадонига, ўтовига уланаяпти. Айниқса жумҳуриятимиз Президентининг аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги фармонидан сўнг қишлоқларга обиҳаёт келтириш, арзон ёнилғи билан таъминлаш ишлари жадал тус олиб кетди.

Масалан, ўтган бир ярим йил давомида Конимех, Нурота сингари чўл туманларига ҳам табиий газ етиб келди.

Навоий, Кармана шаҳарлари аҳолиси Дамхўжа ер ости ҳавзасидан тортилган қувурдан зилол сув олаётир.

Эндиликда вилоятда «Жилвон-Тошработ» йўналишидаги 22 километрли қувурли сув йўлида пайвандлаш, таъмирлаш ишлари тезкорлик билан олиб борилаяпти. Агар бу обиҳаёт иншооти ҳам ишга тушса яна ўнлаб қишлоқлар тоза ичимлик сувга эга бўлишади. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасида олис Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларида ҳам ишлар олиб борилаяпти. Бу шаҳарлар учун Амударёдан тортилган қувурли сув йўли эндиликда қайтадан созланиб, қуввати оширилмоқда.

Вилоят қайта тикланганидан сўнг қарийб 4 минг қишлоқ фуқаролари хонадонида табиий газ ёнди. Айниқса Газли-Чимкент газ трассасидан тортилган қарийб 100 километрли қувурлар бир йўла Конимех ва Навбаҳор туманлари қишлоқларига арзон ёнилғи келтириш имконини берди.

— Вилоятда айниқса қишлоқ жойларини, чўлдаги ўтов ва овулларни газлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти, — дейди вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Негбой Холов. — Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ ва овулларни газлаштириш учун жами 250 километрдан зиёд масофага газ қувурлари ётқизилди, Ана шунинг натижаси ўлароқ Нурота, Конимех сингари чўл туманларига табиий ёнилғи етиб келди. Мақсадимиз, шу йил охиригача яна 500 хонадонга «зангори олов» олиб келишдир.

Ҳозирда Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа, Хатирчи туманларида энг олис қишлоқларни газлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Қизилтепадаги Оқсоч, Оқработ, Андоқ, Зарметан, Айрончи, Навоийдаги Нарпай, Жалоир, Дўрман сингари ўнлаб қишлоқлар тўлиқ газлаштирилди. Навбаҳордаги Хашман, Армижон, Дўл-кўл, Қўшработ, Янги-қўрғон қишлоқларида қувурлар ётқизиш ва пайвандлаш ишлари олиб борилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФЕРМЕР АҲД ҚИЛДИ

— Йил бошида давлатга жами 16 тонна гўшт топшириш юзасидан шартнома тузган эдик, — дейди Гулистон туманидаги «Қизил тонг» жамоа хўжалиги фермери У. Саримсоқов. — Ҳозирга қадар давлатга 13 тонна гўшт топширдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида фермерлар ҳақида айтган илиқ сўзлари бизларни ғоят хурсанд қилди.

Фермер хонадони яна 4 тонна гўшт сотиш, умумий кўрсаткични эса 20 тоннага етказишга аҳд қилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Ислом КАРИМОВ:

Хўжаликларда камомад, ўринсиз харажатлар ва талон-торожлик ҳолларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам қонуқарли эмас... Жиноят жазосиз қолиши оқибатида хўжалнкларда мулкни талон-торож қилиш ҳамда четга рухсатномасиз маҳсулот олиб чиқиб кетиш ҳоллари такрорланмоқда. Республика раҳбариятининг аҳолини дон ва ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилаётган ишига тўсиқлар қўйилаяпти... Бунинг тагида жиноят борлиги ҳаммамизга аниқ бўлиши керак.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

НАЗОРАТ БЎШАШГАН ЖОЙДА

ЭГАСИЗЛИК БОШЛАНАДИ, ТАЛОН-ТОРОЖ ВА ИНСОФСИЗЛИК ИЛДИЗ ОТАДИ

Давлатимиз амалга ошираётган ғамхўрликлар туфайли қишлоқда хўжалик юритишнинг шундай механизмларн яратилмоқдаки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирилган маҳсулотни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, унга мустақил эгалик қилиш, ўз оиласининг тўқлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Бугунги кунда деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Аммо далаларда ана шу ҳосили, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида йиғиб-териб олиш, уларни ташиш ва сақлашда ҳар хил нобудгарчилик, суиистеъмолликларга қарши олиб борилаётган курашнинг аҳволи барча онгли меҳнаткашларни, шунингдек ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларни ҳам ташвишга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари томонидан 1993 йилги пахта, дон мева, сабзавот маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва уларни сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришда нобудгарчиликка, талон-торожликка йўл қўймаслик тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши юзасидан кенг кўламли текширишлар ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йўналишда қабул қилинган қарорлар оғишмай амалга оширилган жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тезкорлик билан йиғиб-териб олиниб, давлатга топширилмоқда. Афсуски, текширишларда аниқланишича, жойлардаги ҳокимият органларида, агросаноат уюшмаларида ва бошқа корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олишда кўпол қонун бузилишларга йўл қўйилаётир.

1993 йилнинг 1 октябригача прокуратура органлари томонидан мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиштириш, ташиш ва сақлаш пайтида талон-торожга йўл қўйганлик ҳолатлари юзасидан 46 нафар шахсга нисбатан 42 та жиноят ишлари қўзғатилган бўлиб, қарийб 200 тонна маҳсулот хўжаликларга қайтарилди. Шуни таъкидлаш керакки, ўғирлик, талон-торожлик асосан йиғим-терим қатнашчилари, хўжаликларнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ва айрим раҳбарлари томонидан содир этилаётир.

Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Қашқадарё» жамоа хўжалиги ферма мудири А. Маҳмудов Қаршн шаҳридаги «Орбита» сервис ташкилотининг цех бошлиғи Н. Зарипова 372 минг сўмлик 9,5 тонна буғдойни ғайриқонуний равишда бериб юборган. Маҳсулот олиб кетилаётган кезда ушланган. Бу факт юзасидан туман прокуратураси жиноят иши қўзғатиб, тергов ишлари олиб бормоқда. Айрим мансабдор шахслар томонидан мева-сабзавот ва хатто ем-хашак ҳам талон-торож этилаётир. Бу далиллар Фарғона, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Навоий, Сирдарё ва бошқа вилоятлар хўжаликларида кўп учрамоқда.

Жумладан, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонасида етиштирилган ва омборхонада сақлаш учун келтирилган 134 минг 500 сўмлик 5 тонна буғдойни омбор мудири У. Холматов 200 минг сўмга сотиб қўлга тушди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Наманган вилояти Задарё туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги агрономи С. Аҳмедов ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, 15.600 сўмлик 376 килограмм буғдойни ўмариб кетган. Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг бош агрономи Ж. Очиловнинг уйида эса ҳеч қандай ҳужжатсиз 68 минг сўмлик 2 тоннадан ортиқ ўғирланган буғдой ва арпа маҳсулотлари сақланаётганлиги аниқланди. Ушбу фактлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди. Самарқанд вилоятининг кўпчилик хўжаликларида содир этилаётган 36 та ўғирлик, талон-торожлик далиллари бўйича 1 миллион 628 минг сўмлик дон маҳсулотлари қайтарилди.

Айрим вилоят хўжаликлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириб, давлатга сотишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги 13-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорининг мева-сабзавот бўйича белгиланган давлат буюртмаси ҳақидаги талаблари бузилмоқда. Давлат буюртмаси асосида белгиланган режани бажармасдан айрим хўжаликлар мева-сабзавот маҳсулотларини ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетишга ёки бозорларда сотишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ҳолатлар Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар хўжаликларида кўплаб аниқланди.

Хоразм вилояти Хива туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги 1993 йил август ойида 420,5 тонна пиёз етиштириб, шундан давлатга фақат 11,3 тоннасини сотган, 229,3 тоннасини эса, яъни етиштирилган ҳосилнинг 50 фоиздан кўпроғини ўз ҳоҳишларича сотганлар. Шуни таъкидлаш керакки, мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиб-териб олишда ижарачилар томонидан ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳолатлари авж олмоқда. Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг ижарачилари И. Аликулов, И. Ҳайитов, Ҳ. Турдиевлар шу йил 21 июль куни Тожикистон Республикасидан келган шахсларга қонунсиз 36 тонна тарвузни сотиб қўлга тушдилар. Улардан 2 миллион 655 минг сўм ундириб олинди ва хўжалик хазинасига кирим қилинди. Шу хўжалик ижарачиси Ч. Алимардонов эса 2 миллион 445 сўмлик тарвузни қонунсиз равишда четга сотиб, пулини ўзлаштиргани аниқланди. Ундан хўжаликка етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилди. Ҳар иккала кўрсатилган ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан айбдор шахслар жавобгарликка тортилганлар.

Сирдарё вилояти мева-сабзавот узумчилик саноати бирлашмаси томонидан ўз корхоналарида етиштирилган ҳосилни ва қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сақланишини таъминлаш борасида тегишли чоралар кўрилмаганлиги ва умуман шу масалага етарли даражада эътибор берилмаётганлиги оқибатида бирлашма корхоналарида ўғирлик, талон-торожликлар кўпайиб кетган.

Жорий йилда биргина шу бирлашма системаси бўйича 6 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган 6 миллион 320 минг сўмлик моддий зарар тўлиқ ундирилди. Гулистон консерва заводининг Боёвут филиалидаги омбор мудири Й. Зулфиқоров шу заводнинг ҳайдовчиси билан тил бириктириб, 5 миллион 819 минг сўмлик тайёр маҳсулотни ўғирлаган. Ҳозирги кунда туман прокуратураси уларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов олиб бормоқда. Модий зарар эса тўлиқ ундирилди.

Қашқадарё вилояти мева-сабзавот-виночилик бирлашмаси раҳбарлари ўз вазифаларига ўта масъулиятсизлик билан қараганликлари оқибатида бирлашмага қарашли хўжаликлар раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда ҳеч қандай шартнома тузмасдан катта миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир-бирларига бериб юборишган. Бундай аҳвол амалда қонунбузарликларга, хўжаликларнинг эса моддий зарар кўришларига олиб келмоқда. Навоий номли давлат хўжалиги раҳбарлари ўз мансабини суиистеъмол қилиб, «Китоб» давлат хўжалигига шартномасиз 2 миллиард сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бериб юборишган. Бироқ, бу маҳсулот «Китоб» давлат хўжалигида кирим қилинмасдан, Россия Федерациясига жўнатиб юборилган. Бунинг эвазига эса ҳеч қандай товар маҳсулотлари ёки пул сармояси республикага келиб тушмаган. Мазкур иш юзасидан Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу йилги ҳосил жуда катта қийинчиликлар эвазига етиштирилди. Унинг ҳар бир граммн олтинга тенглиги шубҳасиз. Бизнинг пахтамизга алоҳида эҳтиёж сезаётган ўнлаб хорижий давлатларнинг юзлаб саноат корхоналари вакиллари республикамизга узлуксиз ташриф буюраётганлиги бежиз эмас, албатта. Шундай экан, унинг бир мисқолини ҳам нобуд бўлмаслиги, пайҳон этилмаслиги зарур. Минг афсуски, қисқа вақт ичида пахта ҳосилини пайҳон қилиш бўйича 1.053 та ҳолат аниқланди. Хўжаликларга етказилган зарар миқдори эса 2 миллион 800 минг сўмдан ошиб кетди. Биргина Тошкент вилояти далаларида 640 та пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланди. Шулар бўйича 294 нафар айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 1 миллион 44 минг сўм жарима ундирилди.

Пахта экинларини пайҳон қилиш далиллари айниқса, Андижон, Сирдарё, Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоят хўжаликларида кўплаб аниқланди. Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги Исанов номли жамоа хўжалигида ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган камчилик ва қонун бузилишлар юзасидан прокуратура органлари мутасадди раҳбарлар номига 72 та тақдимнома, 83 та амрнома киритдилар. 78 нафар мансабдор шахс эса қонунларни бузмасликлари ҳақида прокурорлик огоҳлантириши олдилар. Етказилган зарарни қоплаш мақсадида судларга 157 даъво аризаси киритилди.

Юқорида қайд этилган камчилик ва қонунбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотвиносаноат т » концерни ва уларнинг вилоятлардаги бошқармалари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақланишини таъминлаш, қўл остидаги корхоналарда, хўжаликларда талон-торожлик ва бошқа қонун бузишликларга қарши олиб борилаётган кураш етарли назорат қилинмаётганлигидан далолат беради. Етиштирилаётган ҳосил мисқол-мисқолигача ўзимизники. Уни нест-нобуд қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Вали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган юрист.



«ҚОНУН НОМИ БИЛАН» саҳифасини келгуси йилда ҳам ўқимоқчимисиз?! Унда «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлинг!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ суратга олган.

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОШКОР БЎЛГАН ЎҒРИЛИК

Шофиркон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг экспедитори А. исмли шахсга Қизилтепа туманлараро «Ўзқишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси томонидан ажратилган 63 тонна аммиак селитрасини юқоридаги жамоа хўжалигигача кузатиб бориш топширилган. А. эса бундан фойдаланиб юкни ташиш вақтида 7,5 тонна селитрани қонунсиз равишда «Қизлар» ассоциациясининг ёрдамчи хўжалигига сотиб юборган. Бу кимса ўғитни юқорида номи кўрсатилган бирлашмага қарашли «КамАЗ — 5511» маркали автомашина ҳайдовчиси К. билан келишиб айтилган жойга етказган. Қизилтепа тумани ички ишлар бўлимининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбир натижасида ўғит ўмарувчилар қўлга олинди. Минерал ўғитнинг 1 тоннаси 20 минг 800 сўм бўлиб ундан кўриладиган фойданинг миқдори 156 минг сўмни ташкил этади.

А. СОДИҚОВ.

КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда айрим нафси ўпқон савдо ходимларининг хурмача қилиғидан дилинг оғрийди. Тўғри-да, ўзи экмай, ўрмай беш панжани оғзига уриш инсофдан эмас. Ўғри бўл, палончи бўл инсофли бўл-да!

Нишон тумани матлубот жамиятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчиси Нарзулла Боллиев диёнатни унутиб, харидор Х. Бахриева 142 килограмм гуручнинг ҳар бир килосини 300 сўмдан пуллаб, жами 42 минг сўм сабаб олаётганда вилоят ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг тезкор вакиллари томонидан қўлга олинди. Суриштириш давомида у 157 халта гуруч, 240 литр вино ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдодан яширган. Дастлабки чўтлашларга қараганда яшириб қўйилган моллар қиймати 7 миллион 146 минг 182 сўмни ташкил қиларкан. Текшириш ишлари давом этаяпти.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

ШУБҲАЛИ ВАГОН

Сирдарё темир йўл бекатида божхона ходимлари шубҳали туюлган вагонни кўздан кечирди. Аслида Сирдарё кўзи ожизлар ншлаб чиқариш комбинати билан Ростов шаҳри савдо базаси ўртасида тузилган шартномага асосан 1000 дона тўшак жўнатилиши лозим эди. Лекин комбинат директори Валижон Халиловнинг кўрсатмасига биноан вагонга 500 дона тўшак ҳамда ғайриқонуний равишда 597 дона одеял билан 3 минг 884 дона 3 метрлик гилам поёндоз юкланган экан.

Жами 8 миллион 465 минг сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилиниб, раҳбар ходимга 94 минг 500 сўм жарима солинди. Жиноий иш теров органларига топширилди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚОРА СУМКАНИНГ СИРИ

Мустақилликка эришган Ўзбекистонимиз нурли, истиқлол сари дадил одимлаётир. Ватан ва халқ манфаатини устун қўйган юртдошларимиз катта саъй-ҳаракатлар билан эришаётган муваффақиятларини кўролмаётган баъзи жиноятчи ғанимлар гоҳо пинҳоний, гоҳо ошкора йўллар билан ўз қора ниятларини амалга оширишга интилиб кўрмоқдалар.

Яқинда юртдошларимиз оромини бузишни ихтиёр этган бир гуруҳ чақирилмаган «меҳмонлар» қўлга олинди.

Бўлимимизнинг катта эксперт-криминалисти вазифасида ишлаётган милиция старшинаси Исоқжон Бердиқуловга Навбаҳор — Яйпан бекатида бесаранжом бўлиб турган уч нафар шахс шубҳали туюлган. Исоқжон улар билан танишиб, ташрифлари сабабини суриштирган. Бекатда одам гавжум бўлгани ва ходимимиз формасиз юргани учунми ҳар ҳолда улар аввалига унча эътибор ҳам қилишмаган. Ҳужжатларини сўраганидан кейингина улар типирчилаб қолган.

Шундай қилиб, қўшни республикаларнинг биридан қадам ранжида қилган бу йигитлар ички ишлар бўлимига таклиф этилди. Улар олиб қилдаги катта қора сумкадан икки дона 16 калибрли ва бир дона «ТОЗ—8» белгили милтиқлар, бир дона тиғи ярақлаган ов пичоғи, бир дона дурбин, бир дона кўзни ёшлантирувчи газ баллончаси ва 24 дона ўқ жойланган овчилар камари чиқди.

Улардан бири «тўй қилаётган эдим, бу ерга қўни-қўшнилар ҳамда қариндош-уруғларни таклиф этиш учун келгандим» — деди дастлабки суриштирувда.

«Хўп, сиз айтганча бўла қолсин, аммо тақдир тақозоси билан ўзга юртда истиқомат қилаётган одам кундик қони тўкилган тупроққа ўқ-дори, қурол-яроғ ва заҳарли газ баллончаси билан келадими?». Улар бу саволга жавоб қайтара олмадилар. Аммо найранг қилиб кўришди, бўлмади. Улар ўзларини оқлашга қанчалик уринмасинлар, зукко терговчиларимиз бундай ўқ-дорилар қай мақсадда келтирилганлигини аниқлашади, албатта. Ҳар ҳолда, ўзоирча қора сумканинг баъзи сирлари очилди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти Фурқат тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти.



Тошкент шаҳри Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимдари йўл-транспорт бахтсиз ҳодисалари олдини олиш бўйича муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Утган йил ярмида 1222 марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич кескин камайди, кўпгина фалокатлар олди олинди.

Ҳайдовчилар орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, ички ишлар транспорт бошқараётганларга қарши кураш сусайгани йўқ.

Давлатга қарашли автотранспорт корхоналарида мунтазам техник кўрувлар ўтказилмоқда. Носоз автотранспортлардан фойдаланиш вақтинча таъқиқланмоқда. Ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга автокорхона раҳбарлари ҳам бурчлидир. Белгиланган меъёрий талабларни бажаришда камчиликларга йўл қўйган 430 нафар масъул ходим маъмурий жазоланди.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишга ҳам автомобиль назорати ходимлари муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Утган ярим йилда 244 марта қонунсиз равишда турли хил юкларни олиб кетаётган транспорт воситалари аниқланди.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар автомобил назорати бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция майори Жамолхон Дадажонов бошқарув пулти ёнида.

Баҳром РИХСИЕВ олган сурат.

• *Божхонада нима гап?*

АЧЧИҚ ПИЁЗ КЎЗ ЁШЛАТАР

Бир қишлоқда бир нуроний отахондан эшитгандим: «Аччиқ пиёз кўз ёшлайди, нопок қилмиш дил ғашлайди». Эҳтимол, бу ибора мақоламиз мавзуига унчалик дахлдор эмасдир. Бироқ божхонамиз «остона»ларида бош қашлаб юрган юлғичлар қисмати шу иборани ишлатишга мажбур этди. Аввало пиёзфурушлар йўли тўсилгани ҳақида.

— Бошқармамиз ходимлари томонидан 13 октябрь кунининг ўзидагина қовунтарвуз, чой, озиқ-овқат, саноат, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий товар бойликлардан ташқари 10 миллион 251 минг 180 сўмлик пиёз вилоятимиз халқига қайтариб қолинди, — деди Тошкент вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдулла Акрамович Убайдуллаев. — Йил бошидан буён республикамиз ташқарисига ташиб кетилаёзган 621 миллион 138 минг 362 сўмлик моддий-товар бойликларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдик. Бу нима? Муваффақиятми ёки... Агар божхона ходимлари фаолиятига нисбатан олсак бу катта ютуқ. Аммо истиқлолга юз тутган давлатимиз истиқболи йўлида «хизмат» қилаётган бундай ташмачилар фаолиятига нисбатан олсак-чи?.. Унда бу катта иқтисодий йўқотиш халқимиз ризқ-насибасини қийишдир...

Бу соҳада кўпни кўрган Абдулла ака ҳақлар. Хўш, ана шу ташмачилар кимлар ўзи? Уларга хизмат қилаётганлар-чи? Қўш-қўллаб мол-мулкини сув текинга ортиб бераётганлар, сохта ҳужжатлар эвазига жиғилдонини мойлаётганлар, «чой-чақа» ҳисобига бола-чақа боқаётганлар ким ўзи?! Улар ўз орамизда, ёнимизда, кўз олдимизда эмасми?

Матбуоту теле-радиода «эгалик ва манфаатдорлик ҳисси» уйғонаётганидан оғиз кўпиртириб гапирамизу аммо ана шу «эгалик ва манфаатдорлик ҳисси», халқ, давлат ва жамият манфаатидан мутлақ устун қўйилаётганига бефарқмиз. Баъзи бировлар «халқ давлат ва жамият манфаати» устун туражаги ҳақида гапириб қолишса борми, уларни дарҳол «коммунистик ақидапарастлар»га чиқариб қўйишади. Хўш, шундай кишиларни «ер билан яксон қилиб» турсак, юлғичларга, пораҳўрларга, судхўр ва бюрократларга қарши ким курашади?

Бозор иқтисоди муносабатлари — чайқовчилик, юлғичлик ва товламачилик мактаби эмас, балки ҳақиқий деҳқонча бозор, манглай тери ҳисобига тайёрланган маҳсулотларни олди-сотди қилиш ҳалолу пок бойлик орттириш манбаидир. Бунинг учун жуда катта имкониятлар яратилган. Фақат ҳалол меҳнат қилинса бас.

Минг афсуски, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Бўка туманидаги 23-автокорхонасига қарашли 67—12 ТНБ «КамАЗ—5410» маркали автомашина шофёри Ғайрат Мирвалиевга бу йўл ёқмай 2 миллион 361 минг 800 сўмлик пиёз билан чайқовчилик қилгиси келиб қолди. У 15 тонна 300 килограмм пиёзни Бўка тумани бозоридан сотиб олиб, Россиянинг Челябинск шаҳрида қимматига пулламоқчи эди. Афсуски, бу маҳсулот божхона ходимлари томонидан давлат ҳисобига мусодара этилиб, Қибрай тумани қурилиш материаллари комбинатига топширилди. Ғайрат Мирвалиев 30 минг сўм жарима тўлашга ҳам мажбур бўлди.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар 46-автокорхонанинг 43—88 ТНН номерли «КамАЗ—5410» автомашинаси ҳайдовчиси Виктор Рябов ҳам Т. Мирвалиевдан қолишгиси келмабди чоғи. Таваккал қилиб Рупатилла Мирдадаев билан осонгина тил топишибди. Тошкент шаҳридаги «Бўрон» ширкатида диспетчер бўлиб ишлаб туриб тўймаган Р. Мирдадаев Паркент туманидаги деҳқон бозорига бир оралаб кўрибди. Паркентнинг арзон-гаров пиёзидан нақд 16 тоннаю 500 килограммини сотиб олиб, Россиянинг Новокузнецк шаҳрида мўмай пул қилмоқчи эди. Аммо у вилоят божхона бошқармасининг тезкор гуруҳи вакиллари тузоғига тушиб қолди-да. Божхона бошқармаси ходимлари унинг нақд 2 миллион 332 минг сўмлик пиёзини давлат ҳисобига мусодара қилишди. Зангиота тумани тайёрлов корхонаси мутасаддилари эса тайёр пиёзни жон-жон, деб қабул қилиб олишди. Р. Мирдадаевга яна 60 минг сўм жарима тўлагани қаттиқ алам қилди.

Республика Сув хўжалиги вазирлиги бағри кенг, сертармоқ вазирлик. Унга қарашли Тўйтепа шаҳрида жойлашган 30-автокорхонанинг 64—90 ТШР «КамАЗ—5410» автомашинаси шофёри Рустам Мустаевга ҳам Паркентнинг пиёзи, сархил помидори ва хатто булғор қалампири ёқиб қолибди. Бошқарманинг тезкор гуруҳи аниқлашича Рустам Мустаев паркентликлардан 1 милион 695 минг сўмлик 11 тоннаю 300 килограмм пиёз, 337 минг 500 сўмлик 3 тоннаю 750 килограмм помидор, 173 минг 800 сўмлик 1 тоннаю 250 килограмм булғор қалампири сотиб олиб, Новокузнецкка йўл олган экан. Рустам молмулкдан чув тушиб, яна 30 минг сўм жарима ҳам тўлади. Давлат ҳисобига мусодара этилган бу маҳсулотлар ҳам Зангиота тумани тайёрлов корхонаси омборини тўлдирди.

Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлигининг Паркент тумани 23-автокорхонасига қарашли 16—63 ТШС «КамАЗ»—53102» маркали автомашина ҳайдовчиси Жумабой Ишматов илтимосни «рад» қилмайдиганлардан. Ҳаққини тўласа бас. У Ўрта Чирчиқ тумани Свердлов номли жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилади. Шу туманнинг «Олға» жамоа хўжалигида ижарачи бўлиб ишловчи Иброҳим Мирзабоев билан қалин. Хуллас, ижарачи «илтимос» деди, ҳайдовчи «йўқ» демади. 10 тонна пиёз ортилган машина чегарада тўхтатилди. 1 миллион 548 минг сўмлик пиёз давлат ҳисобига мусодара этилиб, Зангиота тумани тайёрлов корхонасига топширилди. И. Мирзабоев 30 минг сўм жарима тўлашни ҳам унутмади.

Қибрай туманидаги «Мустақиллик» ҳарбий давлат хўжалиги директори А. Бугдагов ҳам сахийликда ҳеч кимдан кам эмас экан. У Павлодар шаҳридаги «Анатолий» кичик корхонасининг директори Анатолий Шаховни қуруқ қайтаргиси келмади. 7 тоннаю 952 килограмм пиёзни Павлодар шаҳридаги «Транс—холдинг» акционерлик жамиятига қарашли 10 — 35 ПАМ «КамАЗ—5320» автомашинасига ўз қўли билан юклаб берди. Иши осон кўчган шофёр Алексей Бесполькони божхонанинг 15-пости ходимлари 30 минг сўм, харидор А. Шаховни 85 минг сўм, директор А. Будаговни 85 минг сўмдан жарима тўлашга мажбур этдилар. Қонунсиз йўл билан олиб чиқиб кетилаётган пиёз 1 миллион 304 минг 380 сўмга баҳоланиб, давлат фойдасига мусодара этилди.

Бу рўйхатни давом эттираверш мумкин. Аммо ўзига қарашли тармоқлардаги иш билан қизиқмаётган, ўз ҳайдовчиларини «қонунсиз юк ортиш»лардан тия олмаётган юқорида номлари зикр этилган вазирликлар, автокорхоналарнинг раҳбарлари қаттиқ хафа бўлишлари мумкин-да?! Яна ким билади, дейсиз. Кўпинча суянган «танкаси» бор ҳайдовчилар, «коинотга» ҳам юк олиб чиқишдан қайтмайдилар. Лўнда қилиб айтганда, нуроний бобо ҳақлар: «аччиқ пиёз кўз ёшлатар...».

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ТАЯНЧИМСАН — ТАЯНЧИНГМАН, СУЯНЧИНГМАН — СУЯНЧИМСАН, ТУРКИЯ!

ЭРТАГА ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ НИШОНЛАЙДИ



29 октябрда Туркия Республикаси ўз мустақиллигининг етмиш йиллик байрамини нишонлайди.

Ҳозирда дунё тараққиёти билан бир сафда кетаётган давлатлар сарасидан бўлмиш Туркия шу етмиш йил ичида турли иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни бошидан кечирди.

Қора, Эгей, Ўрта (Оқ) ва Мармар денгизлари билан ўралган Туркия ҳудудининг фақат уч фоизида Эрон, Ироқ, Сурия, Булғория, Юнонистон, Гуржистон, Арманистон ва Озарбойжон билан чегараланади. Аҳолисининг сони 58 миллион 570 минг.

Туркия тарихига назар солсак, у Биринчи жаҳон урушида Антанта давлатларига таслим бўлган. Мамлакатни чет эл монополистлари эгаллаб олгач, Туркиянинг иқтисодий қудрати ва молиявий мустақиллиги хавф остида қолади. Бундай ҳолга чидай олмаган эрксевар ватанпарвар турклар Мустафо Камол (Отатурк) атрофида бирлашиб, уч йил давом этган тенгсиз курашлар натижасида Туркияни мустамлака бўлишдан сақлаб қоладилар. 1923 йили мамлакат ҳудудидан барча хорижий давлатларнинг қўшинлари олиб чиқиб кетилади. Шу йили 13 октябрда пойтахт Истанбулдан Анқара шаҳрига кўчирилиб, 29 октябрь куни Туркия Республика деб расман эълон қилинади. Бу тарихий воқеадан сўнг бу ерда Туркия инқилобининг бошлиғи Мустафо Камол Отатурк Президент бўлиб сайланади ва 1923 — 1938 йилларда катта иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалга оширилади ва натижада Туркияни сиёсий ва иқтисодий инқироздан қутқазади.

Мустафо камол вафотидан кейин Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар рўй берди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг то 80-йилларга қадар мамлакатда ички сиёсий ва иқтисодий вазият ўзгарувчан ва кескин бўлиб турди. Ҳарбийларнинг бир неча бор давлат тўнтаришлари оқибатида ижтимоий аҳвол жуда оғирлашиб борди. 80-йилларда мамлакат барқарор ривожланиш йўлига ўтди.

1983 йилда ҳарбийлар ўрнига келган Турғут Ўзол ҳукумати томонидан Туркия Республикаси тараққиётида янги тарихий босқич — иқтисодни сиёсатдан устун қўйиш, мамлакат давлат иқтисодий ташкилотларини (корхоналарини) қайта ташкил қилиш жараёни бошланди.

Турғут Ўзол Сулаймон Демирэл билан ҳамфикр бўлган ҳолда, қисқа вақт ичида мамлакатни энг жадал ривожланаётган мамлакатлар даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. Туркия раҳбарияти бунда ишлаб чиқаришнинг тўртта анъанавий омили—ишчи кучи пул, табиий бойликлар, бошқарув тизимидан самарали фойдаланишни биринчи ўринга қўйди.

Ҳукумат давлатнинг давлат иқтисодий ташкилоти (корхоналари) ишига аралашишни камайтирди. Уларнинг инвестицияларини фақатгина ўзларининг маблағлари, банк кредитлари, капитал бозоридан олинадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишига эришди. Давлат эркин иқтисодиёт, бозорнинг нормал ишлаши учун имконият яратди, Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида рақобат устунлиги шакллантирилди. Рақобатга бардош беролмаган давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Макро ва микро иқтисодий тартибга солишнинг қатор чора-тадбирлари қўлланилди.

Натижада, Туркия экспортида саноат моллари 1991 йилда 82 фоизга етди. (1979 йилда бу кўрсаткич 35 фоиз эди). Мамлакатнинг валюта заҳираси 1990 йилга келиб 12 миллиард доллар бўлди. (Шу давр бошида Туркиянинг валютаси йўқ эди).

1992 йилда Туркиянинг иқтисодий ўсиши 5,9 фоизни ташкил этди. Бу иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлган давлатлар орасида энг яхши кўрсаткичдир. Туркиядаги бу иқтисодий ўсишда иқтисодиётни экспортга йўналтирилгани, давлат секторининг 50 фоизга яқини хусусийлаштирилгани, кадрлар тайёрлаш масаласи давлат даражасига олиб чиқилганлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этди.

Туркиянинг бутун дунё билан алоқалари жуда яхши йўлга қўйилган. Турк бизнесменларининг жуда катта ишбилармонлик тажрибаси, обрў-эътибори, товарлар ҳаракатида ўз йўллари, бизнес дунёсида ўз «иқтисодий ўрни» бор.

Сўнгги 10 йилда Туркия Республикаси шубҳасиз, иқтисодиёт ва сиёсат соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Унинг обрўйи бутун Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ҳаддан ташқари ортиб кетди. Бунинг сабабларидан яна бири ва бизнинг назаримизда, энг аҳамиятлиси, турк халқининг меҳнаткашлигидир. Бу халқ кеча ва бугун эришган ютуқлари билан ҳеч қачон қаноат қилиб ўтирмайди. Бизда кўп йиллар давомида оғизда айтиб келинган «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишла!» шиори уларда амалда қўлланилади.

Дунё мамлакатлари ичида катта нуфузга эга Туркия бугунги кунда яқинда мустақилликни қўлга киритган Марказий Осиёдаги давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам мустақиллигини биринчи бўлиб тан олди ва имконияти қадар тезликда ёрдам қўлини чўзди. Ўзбек халқи қондош турк халқининг ўз истиқлолининг дастлабки даврларида қўллаб-қувватлаган, бегараз, саммий кўмакка шошилганини доимо қадрлайди.

Маълумки, ўзбек-турк халқлари тарихда кучли маданий маърифий, иқтисодий алоқада бўлиб келганлар. Мамлакатларимиз ўртасида кўплаб карвон йўлларидан тезтез қатнаб турган карвонлар молашёлар, китоблар ташиган. Иқтисодий, маънавий алоқалар узилмаслигини таъминлаган. Бу алоқаларнинг теран илдизлари муҳтарам зотларимиз Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро замонларига, буюк Алишер Навоий ҳазратлари даврига, ҳатто ундан ҳам мозийга — алломаларимиз Аҳмад Яссавий, Нақшбанд, Жалолиддин Румийлар даврига бориб тақалади.

Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган даврда Президентимиз таъкидлаганидек, ривожланган мамлакатларнинг, айниқса тарихи, миллий анъаналари, маънавий қадриятлари яқин бўлган шарқ мамлакатларининг тажрибаларини ўрганиш, улардан бизнинг республикамиз шароитларига мос келадиган томонларини танлаб фойдаланиш зарурати вужудга келди. Шу маънода Туркиянинг сўнгги 10 йил ичида босиб ўтган иқтисодий йўлини ўрганиш кун тартибига чиқди. Олимларимиз Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўлини танлаш борасида изланишлар олиб борганида Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги умумийлик, ўхшашлик, кирралари оз эмаслигини кузатганлар. Туркия ҳам дастлаб ҳозир биз бошдан кечираётган аҳволга тушган бўлиб, бу аҳволдан чиқиш учун ниҳоятда ҳамжиҳатлик билан «ё Туркияни ҳалокатдан олиб чиқамиз, ёки ҳаммамиз ҳалокатга учраймиз», дея жаҳд билан иш кўришган. Иқтисодий сиёсатда «катта инқилобий сакрашларсиз», босқичма босқич ўтиш йўлидан борилган. Бизга яқин тарихдан маълумки, баъзи Шарқ мамлакатлари ўз вақтида «катта инқилобий сакраш» йўлини танлаб, халқларни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий соҳаларда улкан қийинчиликларга дучор бўлишларига олиб келганлар ва охир-оқибатда бу йўлнинг самарасиз, талофатли эканлигини англаганлар. Шунинг учун республикамиз раҳбарияти Туркияда қўлланилган эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини маъқул топди ва бу тажрибадан ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўлкамизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақил ривожланиш йўлини шакллантиришда фақат Туркия тажрибасига таянаётгани йўқ. Бу борада бошқа қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тажрибаси ҳам ўрганилиб, улардан ҳам бизнинг шароитимизга мос ва хос бўлган томонлари жорий этилмоқда.

Аммо Туркиянинг улар ичида ажралиб, бизда кўпроқ қизиқиш уйғотаётганлиги, Ўзбекистоннинг Туркия билан муносабатларидан кўпроқ манфаатдорлиги намоён бўлаётир. Бунинг асосий сабаблари юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари яна бир қанча омиллар билан ифодаланади.

Улардан ва бизнинг фикримизча, энг асосийси, турк ва ўзбек халқларининг қон-қардошлигидир. Ўзбекларда бир яхши гап бор: «Туққан-туққан билан топишар, ётга бало ёпишар». Бизлар эса бир-биримизга этник жиҳатдан яқинмиз. Ҳозирги турк халқи эрамизнинг IX—XI асрларида Ўрта Осиёдан, асосан Сирдарё этакларидаги маркази Янгикент бўлган ўғизлар давлатининг аҳолиси Кичик Осиёга кўчиб бориб маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетгани натижасида таркиб топган. Шу боис турклар Ўзбекистонни ота юртимиз деб ҳамиша эъзозлаб келганлар.

Шунингдек, тил яқинлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро ота-боболаримиз бир тилда сўзлашган. Ҳатто асримизнинг 20-йилларида ўзбек—турк бир-бирини таржимонсиз тушунар эди, деб эслашади кекса зиёлиларимиз.

Айниқса, қон-қардошлик, тил, адабиёт-санъатнинг яқинлиги, дин бирлиги бор жойда дил бирлиги бўлиши ҳам шубҳасиздир. Тарихда ўзбек ва турк халқлари бир-бирини доимо тушуниб, бир-бирига қийин даврларда ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келганлар. Энг муҳими, Туркия сўнгги ўн йил ичида иқтисодий даражасини ўнглаб олган, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига кирган бўлса ҳам, у жаҳон аҳли орасида ўзини якка-ёлғиз сезарди, яъни Туркий халқлар билан яқиндан алоқа ўрнатишга имкон йўқ эди. Улар бирлашса жуда катта кучга айланишини билган давлатлар бунга йўл қўймас эдилар. Машҳур немис олими Ҳерман Вамбери ўз даврида Иттифоққа садоқат «туркларнинг миллий хусусияти» эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Шунинг учун рус мустамлакачилари туркистонликларнинг турклар билан ҳар қандай ўзаро муносабатларини (1867—1917 йиллар давомида) таъқиб остига олганлар. Уларни бир-биридан узоқлаштиришга ҳаракат қилганлар. Бу сиёсат 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам давом эттирилди. Эндиликда эса Туркиянинг ҳам бағри тўлмоқда. Туркия нафақат Ўзбекистон суверенитетини. балки Марказий Осиёдаги барча республикалар халқлари мустақиллигини биринчи бўлиб тан олди. Уларга ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам молиявий мадад беришга шошилди. Дўстликнинг ўзилган қадимий ришталари яна боғланди.

Муҳаббат ЗИЁЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.



СУРАТДА: Истанбул университети.

ЎХШАШЛИК ҚИРРАЛАРИ

[ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ АЛОҚАЛАРИГА ЧИЗГИЛАР]

ЯНА БИР ГУЛДАСТА

Ўтган ой Анқарада «Турк дунёси шеър гулдастаси» номли бир китоб босилиб чиқди. Рукнига «Туркчанинг Улусларо Шеър Шўлани» деб ёзилган бу китобга турли матнлар, билдирувлар ва шеърлар киритилган ва уни Туркия Ёзарлар Бирлиги тайёрлаган.

Маълумки, 1992 йил 21 — 25 майда Туркиянинг Бурса ва Кўниё шаҳарларида халқаро туркча шеърлар мушоираси бўлиб ўтган ва бу «Шўълан»да (яъни базмда) 20 га яқин улус вакиллари қатнашган эди. Ўзбекистондан Эркин Воҳид, Рауф Парфи, Хуршид Даврон ва Азим Суюнлар вакил бўлиб бордилар. Ўшанда Озарбойжон шоираси Феруза Маммадли Навоий мукофотига, Эркин Воҳид Юнус Эмра мукофотига, Туманбой Мулдағалиев (Қозоғистон) Фузулий мукофотига сазовор бўлгандилар. Мана, орадан бир йил ўтгач, ўша шўълан иштирокчиларининг шеърлари ва у ерда сўзланган маъруза ва нутқлар, шўълан тўғрисида ёзган газета ва журналларнинг мақолалари, билдирувлари турли фотосуратлар билан биргаликда китоб ҳолида нашр этилди. Қуйида биз турли мукофотларга сазовор бўлган ва мазкур тўпламга киритилган шоирларнинг шеърларидан намуналар беришни лозим топдик.

Д. МАҲМАТ ДЎҒОН,
Туркия Ёзарлар Бирлиги раиси.

Абдурраҳим ҚОРАҚЎЧ

КЕЧА ТУН

[ЎТГАН ТУН]

Пўлат арра билан кесдим сувларни
Ювдиму деворга осдим сувларни...
Тушимда тушимга кирдим ўтган тун...

Булутга ясландим, шуълани тутдим
Сени хотирладим, сени унутдим...
Ўзимдан ўзим ҳол сўрдим ўтган тун.

Тўпладим йўлларни айладим юмоқ
Жойнамоздан ўзга топмадим туроқ...
Тинимсиз ўй суриб турдим ўтган тун.

Тупроқни бўядим ўтлар йиғлади
Ўтирдим, турмадим отлар йиғлади...
Чарчоқни чарчатиб юрдим ўтган тун.

Дардлар кечикканда бориб йўқладим
Йиртиқ бўхчаларда умид сақладим...
Маъюслик боғини қирдим ўтган тун.

Шишаларда маҳкум гуллар қўқиси
Ёғди юрагимга ранг ранг қўрқувси...
Йўқ ерга йўқликни сурдим ўтган тун.

Ой туғди кўлкалар чўкди устимга
Ҳижрон олов олов оқди устимга...
Кўзимни йўлларда кўрдим ўтган тун.

Обод ерга қочсам вайронлик чиқди
Ҳар севги, ҳар вафо бир онлик чиқди
Мен зўрға мен сари бордим ўтган тун.

Дўст учун шеър ёздим «хотира» дедим
Балки бир дўст келар ўтирар дедим.
Кўнглимни тупроққа тердим ўтган тун.

Ғаффор ҲОТАМ

ЗИЁРАТ

ЕҲУД ОТА ЮРТНИ ТАНИШ

«Агар шону шукуҳимизга шубҳа қилсанг, иморатимизга қара».
Оқсаройдаги битик
XIV аср.

Ўшанда Фарғонада рўй берган қонли ҳодисалар тинчиган, кимдир кўчиб кетган, кимдир муқим қолган, бироқ ногаҳоний кулфат аломати ҳали юраклардан чиқмаган эди. Шунинг учун ҳам Чехословакия сафарига бемаврид отланган мактаб ўқувчиларини биз — гуруҳ раҳбарлари алоҳида эҳтиётлашимиз шартлигини масъул кишилар қайта ва қайта таъкидлашган. Бахтга қарши, Прагада бир турк бизга «илакишди». Нима кўп, гуруҳда нав-ниҳол қиз кўп, бола кўп. Тағин денг у билан бир меҳмонхонада турамиз. Бир оқшом сурхондарёлик Анвар деган болани етаклаб бизнинг хонага кириб келди.

— Жуда ёқимтой бола экан, — деди у, — агар хўп десанглар, эртага мен унга шаҳарни томоша қилдирсам...

Табиийки, оёғимизнинг учига довур титраб кетдик. Жон-ҳолатда: «Йўқ, йўқ! Бу мумкин эмас! Мумкин эмас!» деб юбордик.

У маъюс жилмайди-да, бурилиб хонадан чиқиб кетди. Албатта биз болакайни роса койидик. Бироқ барибир эртаси куни «қўлга тушдик», кечки пайт меҳмонхона остидаги мўъжаз ресторанга тушиб, сигарет ҳарид қилдик-да, қайтиб энди эшикка йўналган эдик. «Гардашлар!» — деган армон тўла даъват бутун зални тутиб кетди.

Мен ортга бурилдим ва ёйсимон бўлмада сулув бир санам билан тамадди қилиб ўтирган назари тўқ, кўримли ва ўткам йигитга кўзим тушди.

— Буюринг!

Унинг илтифотида қатъият сачраб турганлиги учун ҳам беихтиёр итоат этдик. У шу қадар вазмин ва салоҳиятли эдики, раъйини қайтаришга ҳаддинг сиғмас эди ҳатто.

У бизни дастурхонга таклиф этди. Орадан бир муддат вақт ўтгач, «Ўрусиядан-мисизлар?» — дея сўради.

— Йўқ, биз Ўзбекистондан, ўзбекмиз.

— Фарғонада туркларга нечун бундай ситам етди?

— Бизнинг миллатнинг иши эмас бу! Ўзбеклар туркни ёмон кўрса, шунча фурсатдан бери бирон зиёни тегар эди-да!

— Биз-да шундай фикрдамиз. Душманнинг ҳийласи бу — огоҳ ўлмоқ керак! Сараеводаги турклар — мен ўша ерда яшайман — Ўзбекистонни, Самарқанду Бухоронн жуда-жуда кўрмоқ истайдилар, Ота юртни бир зиёрат қилсам, армоним қолмас эди... — У оғир хўрсинди, сўнг малайни имлаб чақирди-да деди: — Ресторанда ўтирган барчани огоҳ эт: бу кун ўзбек гардашларим ила юз кўришдим, гардашларнинг топишмоғи шарафига мен барчани меҳмон этурман!..

Орадан йиллар ўтди, гина-қудратлар, исканжага олган сарҳадлар орадан кўтарилди. Ота юрт улар учун қучоғини очди. Бироқ ҳамон ундан дарак йўқ. Ким билсин, эҳтимол жанггоҳларда қон кечиб юргандир?

Яқинда атанган турк шоиру адиблари мамлакатимизга кириб келишганида, уларнинг етакчиси — Туркия Ёзарлар Бирлиги раиси Маҳмат Дўғон ота юртни қадамба-қадам зиёрат қилиш истагини билдиргамда нечундир ўша турк йигитининг армон тўла кўзлари бот-бот хаёлимдан кечди.

Сарғайган саҳфалар аро
боқиб тик
Қодирий қабрини
сўрар Отабек,—

дегани каби шоир.

Оталар юрти.

У зафарон хазонларга беланиб ётибди. Мана, ҳорғин шаҳар ҳам, ниҳоят ортда қолди. Йўлнинг икки четида киприкдек тизилган иншоотлар. Қишлоқлар. Ва барчасининг сўнггида уфқларга туташ ям-яшил дала.

Анқарадан Олмаотага, Бишкекка ва ундан Тошкентга қадар йўл юриб келган йўловчи учун бир хил манзарага термулиб кетиш ҳаловатбахш эмас, албатта. Авваллари бошда улар Ўзбекистон деганлари фақат пахтазордан иборат экан-да, дея ҳафсаласиз хулоса ясашган бўлса ажаб эмас.

Ниҳоят, биз Сирдарё бўйларига етиб бордик. Бу манзилда не-не жанглар кечмаган. Аждодлар шавкати дарё соҳилларига сингиб кетган. Бироқ у ҳамон баҳодирларни урҳо-урини тилдан қўймаган каби айқириб оқаётир. Шукуҳли бу манзара биродарларимизга ажиб бир сурур бағишлади. Мен уларнинг кўзларида руҳий ғалаённи, ҳайратни кўрдим.

Бу заминнинг ҳар бир қаричи Ватанга чанг солган истилочилардан ўзини, онасини, аёлини, қизини—номусини, орини, эркини ҳимоя қилган! Керак бўлса жонини берган қайтмас эрларнинг қонига чайилган. Шунинг учун ҳам у муқаддас ва шарафлидир.

...Самарқанд шаҳрига биз жуда кеч кириб бордик. Юлдузлар сирғадек осилиб турган шаҳар бениҳоя сокин, унинг осмони ҳам маҳобатли эди. Амир Темурнинг хушнуд руҳи Регистон майдонида кезиб юргандек бўлиб туюлади кишига. Табиийки, турк қардошлар соҳибқирон юришларига бўлакча қарашади. Хусусан, унинг Боязидни маҳв этиши...

Тонг-ла биз муаззам шаҳарнинг кўрку чиройи — Регистонга кириб бордик. Шердор мадрасаси пештоқига муҳрланган — қуёшни эмаётган шер, Тиллақори гумбазидаги жодули жилвалар... Ва ниҳоят, соҳибқирон Амир Темур мақбараси сари йўл олинди. «Қанот» журналининг муҳаррири, шоир Али Оқбош бизни мақбара ертўласи — асл хилхонага бошлаб тушди ва Қуръон тиловат этди.

Сени танимаган мени ҳам билмас, — дейди шоир. Бу даъвода ҳикмат яширин. Қачонки биз Самарқанд тасаввуротлари маст этган биродарларни Имом ал-Бухорий зиёратига таклиф этганда, бир лаҳза улар қотиб қолишди. Сўнг «нима, ул зоти шарифнинг қабрлари ҳам шу атрофдами?» — дея сўрашди. Биз тасдиқ маъносида бош ирғаб, ҳадис илмининг пешвоси ҳақида сўз бошлаган эдик, Олмаотада бўлиб ўтган туркий халқларнинг иккинчи халқаро мушоираси совриндори, шоир Атилла Мараш: «Билурмиз, билурмиз. Имом Бухорийни билмаган кимса бизда йўқдур. «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» яқинда-да ўн икки жилд ҳолинда ёруғлик кўрди», деди. Ва улар масжид йўлига бурилган заҳоти машинани тўхтатсангиз, дея илтимос қилишди: — Биз бу улуғ зот қабри қошига яёв боришни ҳоҳлармиз...

Бухорий масжиди... Диёримиздаги кўркам, демоқчиманки, қаровли зиёратгоҳлардан бири аслида шудир. Яратган эгамнинг ўзи Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбани битиб кетган бу зоти шарифнинг ҳилватгоҳига алоҳида файз ато этган.

Илгари ҳам бу масканда бир неча бор бўлганман ва бугун ҳам зиёратгоҳ гавжум.

Масжиднинг имом хатиби ҳазратнинг онадан кўр бўлиб туғилганлари, волидаи муҳтарамалари Аллоҳ таолога кўп тавалло қилиб... ниҳоят бу кўзлар очилгани; Президентимиз Ҳозар масжидини янада ободонлаштириш, зиёратчилар учун муайян шаҳарча бино этиш, бу борада ОКСФОРД Исломшунослик маркази билан биргаликда қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилди..

Ниҳоят, биз кечга томон Бухорон шарифга туташ манзилдаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига кириб бордик. Маҳмат Дўғон теварак-атрофни қуршаб турган бутун бошли ансамблга кўз югуртирар экан, сира ҳайратини яшира олмас эди:

— Ахир, мен яқиндагина бу зиёратгоҳда бўлган эдимку! Наҳот шу қисқа фурсат ичида шу қадар беҳисоб, муҳташам бинолар тиклаш мумкин бўлса?! Зиёратга келувчилар бунчалар кўп бўлмаса, а?

Рост, қийинчиликлар мавжуд. Нарх-наво ҳамон номўътадил. Ҳамон пул қадрсизланиб боратгир. Аммо шундай фавқулодда ўзгаришлар ҳам мавжудки, улар кўнгил уйини ёритиб юборади. Агар менинг даъвойимга ишонгингиз келмаса, боринг, Олой бозорини томоша қилинг; водийга йўлингиз тушса Фарғона дарвозасини бир кўздан кечиринг; шунда-да қаноат туймасангиз, айланиб «Туркистон» саройи олдига ўтинг...

Навоий шаҳри бино бўлганига ўттиз беш йил тўлибди, тўю тантаналарда қардошларимиз иштирок этишди.

Хусусан, Оқтош шаҳрида бўлиб ўтган адабий кеча кўнгилларда ёруғ таассурот қолдирди. Ҳусайн Ўзбой турк шеърияти ҳақида сўз очди, шоир Нажиб Фозил шеърларидан ёд ўқиди, Абдулҳамид Чўлпон шеърларини туркчага ўгирган шоир Ҳусайн Қилич эса кўнгил ҳайратларини изҳор этди:

— Биз Самарқанду Бухорони сайр этдик, Улуғбек расадхонасини, «Бибихоним»у Миноран Калонни, Аркни томоша қилдик. Имом ал-Бухорий, Ҳазрат Хожа Нақшбанд зиёратгоҳларига бордик. Унутилмас Турғут Ўзол айтгани каби биз ҳам Нақшбанд сулукиданмиз. Ҳазратнинг даъвати шу: «Мақсад талаби йўлида ҳиматингиз он қадар бўлсинки, башарти менинг бошимга оёқ қўйиб ўтишга тўғри келса ва сиз ўтмасангиз — асло кечирмасман». Биз ана шу ақидага амал қилган, дили Оллоҳда бўлган, ўзи эса олам ичра олам яратган боболаримиз ҳоки туробини тавоб этдик. Уларнинг зурриётларини ҳам шу амал йўлида кўриб, бениҳоя шод бўлдик. Оталар юртини танидик.

Ҳусайн Қиличнинг ҳаяжонли нутқи Оқсарой пештоқидаги ёзувни менинг ёдимга солди. Бироқ, Амир Темур гулдан-да чиройли ёздирган бу битик ҳақида унга айтиб ўтирмадим. Яхшиси бир кун келиб, зиёратга унинг ўзи боргани маъқул. Бориб ўқигани, кўргани ва ифтихор туйгани маъқул: «Мин шакка фи вилоятино ва карматино фанзур ила иморатино».

Али ОҚБОШ


ҚУШ ТАОМ

Бир ютум ёмғир суви
Ва бир тилим тўлиной.
Таомимиз қуш таом
Аллаласин бизни сой
Таомимиз қуш таом.

Устимиз дашт осмони
Остимиз юрт тупроғи
Тез улғай полапоним
Нонинг гулнинг япроғи
Таомимиз қуш таом.

Ошдан томган шудринг
Ҳаётимизнинг ҳусни.
Қут келтирсин бу сув деб
Даъват қилдик Юнусни
Таомимиз қуш таом.

Кўк юзида мовийлик
Булутдан сут соғамиз



Келинг етимлар келинг
Қирқимиз ҳам сиғамиз
Биз емасдан тўямиз
Таомимиз қуш таом.


АЛИФ

Ел тўзғитар булутларни юлиб-юлиб,
Сочларини учирганча елар Алиф.
Кўкда фақат битта юлдуз бедор бу чоғ,
Олисларда сувратланар бир букир тоғ.
Куй елида ўйнар Алиф туш кўргандек;
Ҳали қулун, ҳали жайрон, ҳали тетик.
Қор сувидай тоза, кўнгли янада оқ.

Ҳали суврат олдирмаган, ойнаси — сув,
Кўзлари нақ қанот қоққан икки оққуш.
Яланг бир от сағрисида янграр қамчи
Боғич билан тугилгандир ўрим сочи.
Ел Алифдан телба, Алиф елдан қайсар,
Нур қанотми парвоз қилар дейсиз магар,
Водий қадар кенг кўринар ҳар қулочи.

Дунё маним деб эгилмай юрар Алиф,
Кўнглин холи, ишқин холи билар ҳали.
Билмас қандай руда отар қайноқ замон..
Алиф олма ранги, Алиф сўйилган қон.
Бошқа бир қиз йўқмики у сатр боши,
Шеърда ва каломда у узук тоши? —
Албат шундай дейди бунга босиқ инсон.

Баҳоаддин ҚОРАҚЎЧ



Ғазабланган девдай ўкраб келар экан
Алиф қизни олиб кетар қора вагон.
Мен тўсиқман юҳо туннел — бу ғорларга
Куй тўкаман қалби санчиқ дуторларга.
Алиф сумбул, Алифдадир жасур боқиш,
Алиф-лом-мим дейилгандек қуйма нақш,
Алиф султон барча гўзал нигорларга

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига Миразиз АЪЗАМ таржимаси.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТ

Куйланган, уфқда порлаган Миррих
Не-не бахшиларнинг эртакларида.
Ўзбек турмаганми, сўйла, эй тарих,
Дунё эшигининг бекатларида

Қалбида ҳасрати бўлса-да қат-қат
Шоҳ Искандар ҳайдаб кетолмади, йўқ.
Кун келиб, ўзини англарди, албат.
Чингиз аждар бўлиб ютолмади, йўқ.

Зотан, ўзбек ўзга нонини емас,
Юлдуз каби унинг кўзлари ёниқ.
Йўл бўйида қолган тайинсиз эмас,
Ўзбек аждодининг кимлиги аниқ.

Хонани ёритар оташланган шам,
Гар туғилса уйда азиз дилбанди.
Ҳикматли бир гапни айтарди отам:
«Ўзбеклар — худонинг суйган
фарзанди»,

Бепоён осмондай кенг эрур, билсанг,
Жафокаш ўзбекнинг бебаҳо меҳри.
Ўзбек бир қарашда билади, келсанг,
Ниятинг эгрими ва ёки тўғри.

Бир замон йиғинда чалдилар қарсак,
Шу қарсакни атаб кўнгил қувончи.
Ёлғончи инқилоб ўзбекни, бешак,
Авом деди: бордай ўзбекда ўчи.

Сўйласин, мозийнинг бор бўлса тили,
Дон эккан ҳар ўзбек ўроқли бўлган.
Сўйласин, мозийнинг бор бўлса дили,
У ҳарбий санъатга яроқли бўлган.

Асли юлдузларнинг сирини очган
Улуғбек илмининг довониданмиз.
Сўзнинг қудратини оламга сочган
Буюк Навоийнинг авлодиданмиз.

Бобурнинг ёнида солганча сурон
Ҳиндиқуш тоғини қучганмиз бизлар.
Рақибларга қарши бўлиб қор, бўрон
Камон ўқи каби учганмиз бизлар.

Ва лекин инқилоб ёлғон сўз билан
Пўлат занжирларга боғлаган эди.
Бизларга боқгувчи совуқ кўз билан
Дилни яралардан доғлаган эди.

Оҳ, ўша доғларнинг асоратидан
Кўзга санчилганди заҳарли тикан.
Асли ғанимларнинг касофатидан
Алдов, ёлғонларга тўлганди Ватан.

Тулкини қийнайди баъзида думи,
Гар думи бўлмаса — йўқдир унга ғам.
Оҳ, сени тушунмоқ шунча мушкулми?
Ленин таълимотин ўқиган одам.

Томирда қон эмас, юрарди оқиб,
Московдан берилган кўрсатма, буйруқ.
Одамлар-чи, фақат ерига боқиб,
Шу ерга эгилиб сочарди уруғ.

Асли шитоб билан зуғум қилинди,
Бу юртдан истиқлол йироқ бўлсин, деб.
Орзу қанотларин пати юлинди,
Қомати эгилган ўроқ бўлсин, деб.

Лекин чўчимадинг бу зарбалардан
Айтгин, метинмиди Ватаним сабринг?!
Етмиш йил мутелик азобларидан
Тундек қаро бўлди тортган ул жабринг.

Чўлпон англаганди сенинг дардингни,
Жони қоврулганда оташли ёғда.
Фрунзе аскари Бухоро зарин,
Қароқчи сингари талаган чоғда.

Лекин меҳмондўстлик каби одатинг
Бошингга балолар ёғдирди охир,
Пахтага айланган бутун ҳилқатинг,
Хасталикдан бўлдинг тиллари тахир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида
Юртбоши сўзлари ёнган юлдуздек,
Учган каби гўё орзу отида
Ўзининг кимлигин англади ўзбек.

Офтоб ёғдусига тўлганда само,
Шижоат кўрсатмоқ ўзбекка одат.
Тонги шуълаларни дилга этиб жо,
Ўзликни англамоқ, билсанг, ислоҳот.

Юракда эзгулик илдиз отса гар
Билгилки, аталур бу ҳам ислоҳот.
Ислоҳот сўрайди сендан сарба-сар,
Қонингга сингдими шафқат, днёнат?

Сенга толе берган Ўзбекистонни
Қошингни устига қўёласанму?
Бахтига сарф айлаб бутун имконни,
Уни чин юракдан севоласанму?

Ислоҳот эмасми, ҳар юрак шавқи,
Ислоҳот эмасми, Ватан қудрати?
Ислоҳот эмасми, миллат равнақи,
Ислоҳот эмасми, ўзбек шуҳрати.

Ислоҳот оламда севган достоним,
Шу достон сатридан дилда ўт ёқай!
Ислоҳ йўлидаги Ўзбекистоним
Муштарий юлдузин кўксингга тақай!

Ҳамроқул РИЗО.

Театр:

«Шарқ-Ғарб» фестивалида

МАДАНИЯТЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

Театр: «Шарқ — Ғарб» Тошкент фестивали меҳмони — Токио халқаро театр анжуманининг директори Мишико Аоки хоним фестиваль спектакллари орасида япон драматургияси намуналарини кўриб жуда хурсанд бўлди.

— Ижодий жамоаларнинг япон драматургиясига эътибор бергани мени қувонтирди, — дейди Мишико Аоки хоним. — Бу фестивалнинг асосий ғоясини ифодалайди, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро бирбирини бойитишига муҳим омил бўлади. Мен Туркманистон Ёш томошабинлар театри Кобо Абэ романи асосида саҳналаштирган «Қумдаги хотин» ва Қирғизистон ёшлар театри Киносити пьесаси асосида тайёрланган «Турна пати» спектаклини кўрдим. Спектаклларда услуб бузилган ўринлар бор албатта, аммо бу унчалик муҳим эмас. Муҳими шундаки, ижодий гуруҳлар халқимнинг қалби, феъл-атворини ифода эта олганлар. Менинг дунё бўйлаб кўп сафар қилишимга, турли жамоаларнинг спектаклларини кўришимга тўғри келади. Кўпинча тилга унча тушунмасам ҳам, қандайдир ички туйғу, қалбим билан кўрсатилаётган спектакллар жозибасини сезаман. Ҳозир Тошкентда ҳам худди шу ҳол содир бўлди.

Фестиваль — айни пайтда ижодий жамоалар, халқаро анжуманлар директорлари учун қизғин иш жараёни ҳамдир. Унинг дастурига 40 дан ортиқ спектакль киритилган.

И. ГРЕБНЮК,
ЎзА мухбири.







Тошкент фестивалига Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали театри жамоаси ҳам драматург А. Алламуротовнинг «Завол» спектаклини олиб келишган.

СУРАТДА: ушбу спектаклдан кўринишлар.

Каром ЎРОЗОВ, олган суратлар.

• *Соғлигингиз ўз қўлингизда*

ЧИНИҚҚАНГА ЧАНГ ЮҚМАС

Тошкентлик муштарийларимиздан бири Иброҳим Усмонов: «Об-ҳаво ўзгарди дегунча, суякларим зирқираб оғрий бошлайди» деб ёзса, наманганлик Мирзаҳаким Ғиёсов эса: «Ёмғир ёғса, бошим оғрийди» дея шифокор маслаҳати-ю, муолажасига эҳтиёж сезади. Биз тиббиёт фанлари доктори, профессор Уткир ШАРОПОВ билан шу мавзуда суҳбат қурдик:

— Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туришига ўта сезгир бундай тоифадаги кишилар орамизда кўп учрайди, — деди у. Айниқса, ўпка ва юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларнинг ҳар иккинчиси ана шундай хусусиятга эга. Ҳатто соғлом кишиларда ҳам бундай сезгирликни кузатиш мумкин. Кўпроқ болалар ва ўсмирлар ҳамда кексалар об-ҳавонинг ўзгаришини сезувчан бўладилар. Об-ҳаво ва метеорологик шароитнинг тўхтовсиз ўзгариб туриши ҳар қандай одамга ҳам маълум даражада таъсир этади, киши танасида турли ҳолатлар ҳосил қилади.

— Шу ҳолатлар қандай кечиши хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Одатда одамлар икки турдаги реакцияни фарқлай оладилар. Шулардан бири физиологик реакциядир. Бу нарса организм ички муҳитининг доимийлиги билан боғлиқ. Масалан, одам ҳавонинг ҳарорати сал ўзгариши ва таъсири натижасида ташқарига иссиқлик чиқаришни ўзгартиради. Жазирамада иссиқлик ишлаб чиқариш пасаяди, паст ҳароратда эса бунга қарама-қарши жараён юз беради.

Об-ҳавонинг намлигида гап кўп. Ҳароратнинг ва намликнинг бир вақтда кўтарилиши одамнинг ҳолатини бирдан ёмонлаштиради. Аксарият беморлар, айниқса, ўпка ва юрак-қон томир касалликларига чалинганлар дим ҳавода ўзларини ёмон ҳис этишади. Ҳаво ҳарорати ва намлигига қараб, организмга ҳаво босими, кислород ва ҳар хил газлар, синоптик жараёнлар, қуёш активлигининг ошиши таъсир этиши мумкин. Аниқланишича, қуёш активлигининг орта бориши қон таркибини ўзгартириб борар экан.

— Соғлом кишиларда бу жараён қандай кечади?

— Бундай кишиларда ҳам об-ҳаво ўзгарган пайтда турли реакциялар пайдо бўлади. Бу кўпроқ асаб жараёнларининг кучайиши ёки секинлашишида кўзга ташланади. Бундай ўзгариш баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам олиб келади.

— Чиниққанга чанг юқмас, деган нақл бор. Унинг маъзини чақиб кўрайлиқчи...

— Даволаш тадбирлари ҳаво ўзгариши туфайли пайдо бўладиган реакцияларнинг олдини олиш усулларидан бири. Бироқ чиниқиб бориш асосий ва бош усул бўлиб қолаверади. Машқ қилувчи киши учун ҳатто тўсатдан юз берадиган метеорологик ўзгаришлар ҳам таъсир этмайди. Қишда сув ҳавзаларида чўмилаётган «морж»лар сони ортиб бораётганини кўрамиз. Бу чиниқувчиларга хуш ёқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

Врач маслаҳатига амал қилган ҳолда мунтазам равишда, танаффуссиз машқ қилиб бориш керак. Самарали меҳнат қилиш ёки очиқ ҳавода узоқ бўлиш, сайр қилиш, ҳаво ва қуёш «ванна»си олиш, турли жисмоний машқлар, спорт билан шуғулланиш чиниқишда катта аҳамиятга эга.

— Шамоллаш юз касалликнинг бири, дейилади хитой халқ мақолларидан бирида .Совуқ тушиши биланоқ «пиқ-пиқ» қилиб, йўталга чалинганлар кўпаяди.

— Шамоллаш — иссиқ-совуққа чалиниш оқибатида келиб чиқади, бодомча безларидаги вируслар фаоллашади. Америкалик олимларнинг аниқлашича, касаллик юқиши асосан микробларга эмас, балки одамнинг кайфиятига боғлиқ экан.

Киши кўпроқ кузда, қишда ва эрта баҳорда шамоллайди. Организми заиф кишилар, айниқса, гўдаклар ва кексаларда юқори нафас йўлларининг яллиғланиши пайдо бўлади. Шамоллашнинг хавфли томони шундаки, у баданни бирмунча заиф аҳволга солиб қўяди. Бу вақтда бошқа хасталик, масалан, зотилжам, бод ёки плеврит қўшилиб қолиши мумкин.

Совуқ кунларда оёқ кийими иссиқ бўлиши керак. Донолар бошингни совуқда, оёғингни иссиқда тут, деб бежиз айтишмаган. Қорин тўқ бўлса, организм унча-мунча дардларга чалинмайди.

— Жуда қадим замонлардаёқ кишилар совуқнинг инсон саломатлигига фойдали таъсирини пайқаганлар. Ҳатто совуқ ёшартиради, деган гап ҳам бор.

— Эрамизнинг биринчи минг йиллиги охирида Шарқнинг улуғ ҳакими Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида кўпгина касалликларни даволашда соф ҳавонинг фойдалилиги зарурлигини ёзиб қолдирган. Олимларнинг аниқлашича, кеч куз ва қишда нафас олиб, нафас чиқариш ўпкада холестериннинг сарфланишига олиб келади. Аорта деворларида, юрак-қон томирларида, буйрак ва бошқа аъзоларда артеросклероз касаллигини келтириб чиқаради. Соф ҳаво организмдан холестеринни «ювиб» ташлайди.

Совуқ ҳавода кислород қатлами иссиқ пайтга нисбатан зич бўлади. Шунинг учун ҳам киши ўзини тетиклик ичимлиги ичаётгандек енгил ҳис этади. Совуқ ҳаво, айниқса, юрак-қон томир ва бошқа касалликларга чалинган кишилар учун жуда фойдали. Шу билан бирга совуқ ҳаво киши танасининг очиқ қолган териларига таъсир этиб, қонтомирларини чиниқтиради. Асаб тўқималари тобланади.

Об-ҳаво «ваннаси» чиниқишнинг, қон томирлари гимнастикасининг энг яхши турларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бундай чиниқиш пайтида тери қизил ранг олади. Нафас олиш чуқурлашади. Юрак, жигар, буйрак, қон айланиш ва эндокрин системалари жадал ишлайди. Моддалар алмашинуви, ички секреция безларининг ҳаддан ташқари совиб кетишига бўлган таъсирчанлиги пасаяди. Киши тетикланшади. Унинг меҳнат қобилияти ортади. Кам шамоллайдиган бўлади. Бир неча йиллар мобайнида мунтазам чиниқиб бориш кексайиш жараёнини секинлаштиради.

— Демак, совуқ саломатлигимиз учун курашда бизнинг ҳамроҳимиз экан-да!

— Айнан шундай. Об-ҳаво муолажасини кунора қабул қилиш керак. Борди-ю, бу машғулот бирон-бир сабаб билан тўхтаб қолар экан, у ҳолда организмнинг чиниқиши аста-секин сусаяди. Совуқ ҳаво кишини фақат чиниқтирибгина қолмай, айни чоғда даволайди ҳам, Аэротерапияни мунтазам қабул қилиш гипертония касаллигига чалинган беморларда қон босимини туширади, уйқу ва иштаҳани яхшилайди, меҳнат қобилияти ортади.

Баъзи кишилар йилнинг совуқ вақтида соф ҳаво билан даволаниш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Бу бутунлай нотўғри. Йилнинг ҳамма фаслларида чиниқиш ва даволаниш мақсадида ҳаво-иқлим шароитидан фойдаланиш керак.

Киши ўзини дераза дарчасини очиб қўйиб ухлашга ўргатиши лозим. Сира бурканмаслиқ керак. Сиҳат саломатлик ва меҳнат қобилиятини оширишнинг муҳим шарти-мусаффо ҳавода чиниқишни бир меъёрда овқатланиш ҳамда жисмоний машқ билан бирга қўшиб олиб боришдир. Қарзинг бўлса бўлсин-у, дарднг бўлмасин, деб шуни айтадилар-да.

Суҳбатдош Миршароф МУҲСИМОВ.

• *Шахмат*

КОРЧНОЙНИ ЮТГАН ЮРТДОШИМИЗ

Эркинжон Каримов Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидан. Ҳозир у шу ердаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида директор. Оиласи катта. Беш ўғли ва тўрт қизи бор. Уларнинг ҳаммаси шахмат-шашка ўйнайди. Хуллас, бу оиланн спортчилар сулоласи дейиш мумкин.

Кўпчилиги туман, вилоят командалари сафида дона суриб ном чиқарган. Фарзандларидан Мавлудахон ва Иброҳимжонлар эса спорт усталигига номзод.

Яқинда Эркинжон ака тўрт киши бўлиб Тошкентга келди. Мавлудахон ва икки ўғли республика спартакиадаси ўйинларида қатнашиб яхши натижага эришдилар.

— Биласизми, — дейди кулиб Эркинжон Каримов. — 1957 йилда республика очиқ биринчилигида Виктор Корчной билан шахмат ўйнаган.. ютганман! Ҳаёт қизиқда. Ҳозир уни бутун дунё билади. Биз эса шахмат мухлиси бўлиб қолавердик. Шунга айтсалар керак, тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деб.

Корчнойни ютган ўзбекни эслаб қолинг: пахтаободлик Эркинжон Каримов.

Равшан ШОДИЕВ.

• Обуна-94

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»

Ўзбекистон қаламкашларининг минбари — «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти умидбахш орзулар қанотида келгуси йил режасини ўйламоқда. Журнал таҳририяти ўз муассислари — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг саъй-ҳаракати билан журналнинг обуна баҳосини даврий нашрлар орасида энг арзон қилиб белгилади. Келгуси йилда икки ойда бир марта чоп этиладиган журналнинг бир сони баҳоси 100 сўм, йиллик обуна баҳоси — 600 сўм.

Ҳар бир нашр сингари «Ўзбекистон матбуоти» журналининг ҳам ўзига хос овози, ўзига хос мундарижаси бор. Келгуси йилда анъанавий рукилар — «Муҳаррир минбари», «Нашриёт — матбаачилик», «Телевидение радио», «Барҳаёт сиймолар», «Фахрийлар — фахримиз», «Матбуотимиз жонкуярлари», «Кўмакдошларимиз», «Сўз ишчи-деҳқон муҳбирларига», «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Ўзбекистон матбуоти», «ахборот ойнаси» сингари рукиларда мақола, лавҳа, очерк, хат-хабарлар, «Изланиш клуби» саҳифасида шеър, миттн ҳикояларни чоп этиш янада кенгаяди. Айни чоғда, журналистлар, нашриёт-матбаа ва телерадио ходимлари бозор иқтисодиёти шароитида дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бош мавзулардан бири бўлиб қолади.

Жумҳуриятимиз қаламкашларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ғоятда қувонарлидир. Журнал саҳифаларида «Ўзбекистон — жаҳон ижтоҳида» рукни остида мақолалар изчил чоп этилади. «Журналист хорижий сафардан қайтди» рукни очилади. «Замонавий ёдномалар», «Журналист ён дафтаридан», «Бир сурат тарихи» мавзусида ранг-баранг, ўқимишли эсдаликларни ёритиш мўлжалланаётир.

Азиз муштарийлар! «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятининг манзили ўзингизга маълум: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичимиз: 75323.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

«МУШТУМ» ХОРАЗМДА

«Муштум» ҳажвий журналининг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилаётган учрашувлар ҳамон давом этмоқда. Куни кеча журналнинг бош муҳаррири Неъмат Аминов бошлиқ меҳмонлар Хоразм вилояти ҳокими томонидан қабул қилинди. Бир неча соат давом этган қизиқарли суҳбатдан сўнг улар йиллик пахта режасини муддатидан илгари уддалаган «Хива» жамоа хўжалиги пахтакорларини табриклаш учун Хива туманига жўнаб кетдилар. Ҳосил тўйида Хива ҳокими Эркин Раҳмонов журналнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнига юксак баҳо бердн. Шу ернинг ўзида «Муштум тоға»га совғалар ва вилоят ички ишлар бошқармасининг «Мақтов ёрлиғи» тантанали суратда топширилди. Тантаналарда вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов, вилоят ҳокимининг муовини Мадамин Жуманиёзовлар ҳам иштирок этишди.

Худди шундай учрашувлар Янгибозор туманининг «Бўзқалъа» жамоа хўжалигида пахта тераётган Урганч дорилфунуни талабалари билан ҳам бўлиб ўтди.. Шу куни меҳмонлар хўжаликдаги «Муштум боғи»да бўлиб, А. Қодирий ҳайкали пойига гулдасталар қўйдилар.

ТИНЧ ОКЕАНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

«Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазма марказида Японияннг кўргазмалар қўмитаси — Тинч океани минтақаси кўргазмалар уюштириш қўмитаси «Тошкент — 93» халқаро кўргазмасини ўтказмоқда. Ушбу кўргазмада Япония, Индонезия, Ҳиндистон, шунингдек, Швейцария мамлакатлари иштирок этиш истагини билдирган.

Бу мамлактларнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш саноати билан яқиндан танишишга, уларнинг фирмалари билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишига қулай шароит яратилган. Айниқса кўргазма ёрдамида ушбу мамлакатларнинг кейинги йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш даражаси, технологияси ва дизайнлари билан танишиб, жаҳон бозори талабини тасаввур этиш мумкин. Узбекистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва чет эл сармояларини жалб қилиш, янги технологияни яратиш борасида бу кўргазманинг аҳамияти бор.

Кўргазмада Японияннг кўзга кўринган Ташқи савдони ривожлантириш бўйича «Джетро» ассоциацияси, «Марубони корпорейшн», «Кей интернешнл корпорейшн», «Ничимен корпорейшн», «Мицибуси корпорейшн». Мицуи компаниялари тўқимачилик машиналари, тикув, тўқиш машиналари, принтерлари, музлатгич, ҳаво совутгич, телефон аппаратлари машҳур «Тошиба» рангли телевизорлари, магнитофон, видеомагнитофон, компьютерлар ва ҳоказоларни намойиш қилмоқда.

М. ИСМОИЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» ходими.

• *Шифокор огоҳлантиради*

ОРЛАНИБ ҚАРАТМАГАН ЎЗИГА ЗОЛИМ

Шундай касалликлар борки, баъзи кишилар уни бировга айтишга ёки ҳатто врачга кўрсатиб, даволашга уялишади. Кейин касаллик зўрайиб, киши ночор аҳволга тушиб қолгандагина яъни ғишт қолипдан кўчгандан кейингина даво излаб врачга мурожаат қилади. Натижада дори-дармон билан тузалиб кетиши мумкин бўлган касаллик жарроҳ тиғи билан даволанишга мажбур бўлиб қолади.

Шундай «уят»ли касалликлардан бири бавосирдир. Бу дардга йўлиққан беморлар одатда ё ташқи ёки ички бавосирга учрайди, баъзиларда ҳар икки хили ҳам бўлиши мумкин.

Тўғри ичак вена томирларида қоннинг тўхтаб қолиши ва босимнинг ошиши вена томирларининг кенгайишига ва бавосирнинг рўй беришига сабаб бўлади. Бунга энг аввало сурункали қабзият сабабчи.

Узоқ йиллар давомида муттасил ўтириб ёки тик туриб ишлаган кишилар кўпинча шу дардга чалинадилар. Чекувчилар чекмайдиганларга нисбатан кўпроқ оғрийдилар. Бу касалликнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун ичакларнинг бир текисда ишлаб туришига эришиш керак. Истеъмол таомини ўзгартириш лозим. Овқатдан олдин лавлаги, сабзи, картошкадан тайёрланган винегрет еб турилса, яхши бўлади. Наҳорда ва кечқурун қатиқ ичиш фойдали. Ширгуруч, ёвғон хўрда истеъмол қилган маъқул.

Бавосирни даволаш қанчалик эрта бошланса, бу дарддан шунчалик тез фориғ бўлинади.

Б. СМИРНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 9-стоматологик шифохонаси янги бинода иш бошлаганига уч йилдан сал ошди, холос. Ана шу қисқа муддат давомида бу маскандан шифо топган одамлар сонини ҳисоблаш учун электрон машиналар ҳам шошиб қолади, десак муболаға бўлмас. Мазкур шифохона нафақат Тошкентдаги, айни пайтда мамлакатимиздаги намунали тиббиёт муассасалари қаторида туради. Хўш, бундай юқори даражага қандай эришилди.

— Бунинг икки асосий омили бор,— дейди бош шифокор, Тошкент шаҳар кенгаши депутати Масловиддин Садриддинов, — аввало бизда олий малакали мутахассислар ишлашади. Иккинчиси, шифохонамизнинг тўрттала қаватидаги ҳамма хоналар тиббиёт илмининг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган. Ана шундай шароитда ёмон ишлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

СУРАТДА: олий тоифали шифокор, даволаш бўлимининг мудири Владимир Куницкий иш устида.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

КОРХОНА

Тошкентдаги омборларидан ҳамда шартнома асосида кальций карбидини сотади (фракцияси 25/80, ишлаб чиқарилган вақти — 19.09.93). Алмаштириш вариантлари ҳам мумкин, хусусан қишлоқ хўжалик ҳамда консерва маҳсулотларига.

ТЕЛЕФОНЛАР: 41-88-48, 44-01-74.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат ишлари хавфсизлиги ва тоғ-кон назорати қўмитаси қисм бошлиғи **Райим Маҳмудович МАҲМУДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нлованси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-45
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70,32-54-12
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 201. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: Т. ЭШБЕК, С. СИРОЖИДДИНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.